



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Аввало, ўз ҳаётини эл-юрт саломатлигини асрашдек гоёят масъулиятли ва шарафли ишга бағишлаган сиз, азиятларни касб байрамингиз — Тиббиёт ходимлари кўни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан мамнунман.

Халқимиз сизларни дунёдаги энг улуғ касб эгалари, муқаддас қасамёдаги содик, ўз ишига фидойи инсонлар деб билади ва машаққатли меҳнатингизни юксак қадрлайди.

Айниқса, ҳозирги мураккаб пандемия шароитида чинакам саломатлик посбонлари бўлиб майдонга чиқаётганингиз ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Ушбу хавфли касалликка чалинган минг-минглаб юрдошларимизнинг шифо топиб, оиласи бағрига қайтаётганида, ҳеч шубҳасиз, сизларнинг бекиёсиз хизматларингиз бор.

Фурсатдан фойдаланиб, бу машаққатли курашнинг олдинги сафларида туриб, ўз ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб келаётган барча тиббиёт ходимларига ўз номидан, бутун халқимиз номидан яна бир бор чуқур миннатдорлик билдираман.

Хурматли тиббиёт ходимлари!

Биз ўз олдимизга халқимизни ҳар томонлама рози қилишдек улуғ вазифани қўйган эканмиз, бу мақсадга эришиш йўлида соғлиқни сақлаш тизимини жадал ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият қаратмоқдамиз.

Кейинги йилларда республикада икти-сослашган илмий-амалий тиббиёт марказларининг умумий сони 18 тага етказилди, ҳудудларимизда уларнинг 18 та филиали ташкил этилди. Ушбу марказларда буйрак ва жигар трансплантацияси билан боғлиқ мураккаб операциялар ўтказилмоқда. Ҳатто виллоятларимиз марказларида ҳам очик юракда кардиожаррохлик операциялари амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда 5 805 та хусусий тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Улар тиббий хизмат сифатини ошириш ва рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда 70 дан ортиқ хусусий тиббиёт муассасаси коронавирус инфекцияси бўйича лаборатория хизматларини кўрсатиш, 25 та шундай клиника эса диагностика ва даволаш билан шуғулланмоқда. Айтиш кераки, хусусий секторни кучайтириш борасидаги ишларимиз бугунги мураккаб вазиятда ўзини тўла оқламоқда.

Давлат-хусусий шериклик тизими асосидаги тиббий объектлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Жорий йилда умумий қиймати 51,4 миллиард сўмни ташкил этадиган 9 та давлат-хусусий шериклик ҳамда 187 та аутсорсинг шаклидаги лойиҳалар амалга оширилгани ҳам шундан далолат беради.

Республикада Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасини ташкил этганимиздан хабарингиз бор. Жамғарма маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси 150 та замонавий "Форд" тиббий ёрдам автомашинаси билан таъминланди. Натижада юртимиз бўйича тез тиббий ёрдам автомашиналари сони 2 514 тага етди. Энг муҳими, мазкур тизимда хизмат сифати яхшиланиб бормоқда.

Ўз вақтида қўрилган бундай чора-тадбирларимиз бугун ижобий натижа бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни вақтда репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар ҳамда болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш мақсадида замонавий тиббиёт марказлари, хусусан, Тошкент шаҳрида Иккинчи перинатал марказ, илғор тиббий технологиялар билан жиҳозланган, йилга 1500 дан зиёд мураккаб тиббий амалиётни бажариш имконини берадиган Болалар миллий тиббиёт маркази фойдаланишга топширилди.

Соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ойлик маошларини кўпайтириш, пандемия шароитида ишлаётган шифокорларга қўшимча ҳақ тўлаш бўйича янги тизим жорий этилди.

Бу йил олис қишлоқ ва овулларда 798 та оилавий поликлиника ташкил этилиб, уларда ижтимоий дорихона, кечяо кундуз ишлайдиган тез тиббий ёрдам шохобчаси, аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари фаолияти йўлга қўйилгани ҳам муҳим ишларимиз қаторига қиради. Шунингдек, акушер-гинеколог, хирург, стоматолог, терапевт, педиатр каби 5 та йўналишдаги тор соҳа мутахассислари фаолиятини йўлга қўйиш ҳисобидан қишлоқ аҳлига малакали амбулатория ёрдами кўрсатадиган тизим иш бошлади.

Кейинги йилларда республикада икти-сослашган илмий-амалий тиббиёт марказларининг умумий сони 18 тага етказилди, ҳудудларимизда уларнинг 18 та филиали ташкил этилди. Ушбу марказларда буйрак ва жигар трансплантацияси билан боғлиқ мураккаб операциялар ўтказилмоқда. Ҳатто виллоятларимиз марказларида ҳам очик юракда кардиожаррохлик операциялари амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда 5 805 та хусусий тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Улар тиббий хизмат сифатини ошириш ва рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда 70 дан ортиқ хусусий тиббиёт муассасаси коронавирус инфекцияси бўйича лаборатория хизматларини кўрсатиш, 25 та шундай клиника эса диагностика ва даволаш билан шуғулланмоқда. Айтиш кераки, хусусий секторни кучайтириш борасидаги ишларимиз бугунги мураккаб вазиятда ўзини тўла оқламоқда.

Давлат-хусусий шериклик тизими асосидаги тиббий объектлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Жорий йилда умумий қиймати 51,4 миллиард сўмни ташкил этадиган 9 та давлат-хусусий шериклик ҳамда 187 та аутсорсинг шаклидаги лойиҳалар амалга оширилгани ҳам шундан далолат беради.

Республикада Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасини ташкил этганимиздан хабарингиз бор. Жамғарма маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси 150 та замонавий "Форд" тиббий ёрдам автомашинаси билан таъминланди. Натижада юртимиз бўйича тез тиббий ёрдам автомашиналари сони 2 514 тага етди. Энг муҳими, мазкур тизимда хизмат сифати яхшиланиб бормоқда.

Мамлакатимизда биринчи марта Гемодализ хизматлари бўйича концепция ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда уни амалга оширишга киришилди.

Яна бир муҳим масала — соҳа учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу борада 2020 йилда тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртларига қабул квоталари бакалаврият босқичи учун 27 фоиз, магистратура йўналишида 28 фоиз ва клиник ординатура тизимида 22 фоизга оширилгани ва янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилгани гоёят муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда Германия, Италия, Россия, Корея Республикаси, Туркия, Беларусь, Украина каби давлатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда талабалар зарур мутахассисликлар бўйича қўшма таълим дастурлари асосида ўқитилмоқда.

Муҳтарам соҳа ходимлари!

Албатта, соғлиқни сақлаш тизимидаги барча ислохотларимиз натижаси аввало ҳурматли шифокор ва ҳамширалар, ёшларга тиббиёт сирларини ўргатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимларнинг фидокорона меҳнати, маҳорат ва тажрибасига боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Тиббиёт ходимлари кўни арафасида ўтказилган катта анжуманда сизлар билан бирга мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, профилактика ишларини кучайтириш, айниқса, соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг жорий этиш, диагностика ва даволаш жараёнлари рақамли технологиялар, инновацион ёндашувларни татбиқ қилиш билан боғлиқ энг муҳим ва долзарб вазифаларни белгилаб олди.

Бутун халқимиз қатори бугунги оғир синовлардан мардона ўтаётган, замонамизнинг чинакам қаҳрамонлари бўлган сиз, тиббиёт ходимлари ана шундай масъулиятли вазифаларни адо этишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнат ва намуна бўласизлар, деб ишонаман.

Сизларнинг машаққатли ва олижаноб меҳнатингизни муносиб қадрлаш, тизим учун малакали кадрлар тайёрлаш, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасининг рақобатбардорлигини ошириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва хорижий тиббиёт марказлари билан амалий ҳамкорлигини кучайтириш, телемедицинани ривожлантириш масалалари бундан бўён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Сизларни қутлуг касб байрамингиз билан яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қўлингиз дард кўрмасин, ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз шифокорлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Интервью



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Президентимиз томонидан аҳоли саломатлигини таъминлашга, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда ҳикмат кўп. Соғ юрак — тоғ юрак, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, соғлом одамгина қудратли ишларга қодир, соғлом одамгина яратувчан, ташаббускор бўлади, шундагина яхшиликлар татийди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон ва жаҳон

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАШАББУСЛАР

давлатимизнинг миллий манфаатларига хизмат қилади



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар
академиясининг академиги

Бугун мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида кенг кўламли демократик ўзгаришлар рўй бермоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари фаолиятининг йўлга қўйилиши бу борада муҳим қадам бўлди. Бу чора-тадбирлар "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган инсонпарварлик тамойилини тўла рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Давоми 2-бетда

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 ноябрь куни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятидаги муаммолар таҳлил қилинди.



Қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори зиммасига **146** турдаги касалликка диагноз қўйиш ва даволаш, **213** турдагисига бирламчи диагноз қўйиш ва йўлланма бериш, шунингдек, реабилитация, диспансеризация ва профилактика бўйича жуда кўп вазифалар юклатилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, даволаш инсон саломатлигини таъминлашнинг **10** фоиз омили, холос. Ирсий омиллар **15** фоиз, атроф-муҳит **20** фоиз, энг асосийси, турмуш тарзи **55** фоизни ташкил этади. Коронавирус касаллиги ҳам нотўғри турмуш тарзи оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатди.



Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, келгуси йили **100** та қишлоқ врачлик пункти ва **24** та оилавий поликлиника ташкил этилиши белгиланди.



5 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор, туғиш ёшидаги ва **35** ёшдан ошган аёллар, **40** ёшдан ошган шахслар доимий назоратга олиниб, скрининг текширувлари ўтказилади. Касалликка мойил бўлганлар индивидуал патронажга олинади.



Келгуси йил **1** июндан бошлаб **5** ёшгача бўлган болаларни витаминлар ва микронутриентлар билан, **10** ёшгача ўғил-қизларни паразитларга қарши дорилар билан, ҳомиладор, эмизикли аёллар ва **15** ёшгача бўлган болаларни йод препаратлари билан, **35** ёшгача аёлларни фоллий кислотаси ва феррум билан бепул таъминлаш чоралари белгиланди.

Интервью

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда



Абдурахим ХОЖИБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири:

— Йиғилишда соғлиқни сақлаш тизимидаги вазият атрофича таҳлил қилинди, ҳар бир бўғиндаги камчиликлар аниқ кўрсатиб берилди. Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар фаолияти, амбулатор хизмат кўрсатиш тизими ва уларда ишлаётган умумий амалиёт шифокорлари билан боғлиқ муаммолар очик айтилди.

Президентимизнинг асосли талабларига қўра, эндиликда биз энг қўйи бўғиннинг нафакат ташкилий тузилмасини, иш услубини, қолаверса, мазмун-моҳия-

тини ҳам ўзгартиришга киришамиз. Бунда, биринчи навбатда, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ривожлантириш ва касалликларнинг олдини олиш асосий вазифа сифатида белгиланди. Бунинг учун биз, албатта, қўйи бўғинда ишлаётган оилавий шифокорларимиз иш услубини ўзгартиришимиз керак, токи улар ҳар бир оилга кириб борсин, дардини билсин, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилсин.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари топширигига асосан, тиббиёт тизимидаги барча бўғинлар ўртасида узвий боғлиқлиқни ташкил қиламиз. Бунда етакчи тиббиёт марказлари туманлар билан ҳамкорликда ишлайди ва профессор-ўқитувчилар, ихтисослашган марказлардаги юқори малакали мутахассислар ўзларига бириктирилган тиббиёт муассасаларидаги ҳамкасбларига тегишли тавсиялар, маслаҳатлар бериб боради.

Йиғилишда вилоятларда тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари филиалларини кўпайтириш ёки ҳудудлардаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда янгиликларни очиш, битирувчи талабалар амалиётини фақат Тошкентда эмас, балки вилоятларда ҳам ташкил қилиш муҳимлиги айтилди.

Эркинжон ТУРДИМОВ, Самарқанд вилояти ҳокими:



— Йиғилишда тиббиётга хусусий секторни ҳам жалб қилиш, бу тизимни ривожлантириш, уларга молиявий ёрдам бериш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Вилоятимиз мисолида айтиладиган бўлсак, бугун Самарқанддаги вилоят ва шаҳар стоматология шифохоналарини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Агар биз бепул даволанадиган касалликларга ихтисослашган диспансер ва шифохоналардан ташкари айрим диспансерларни,

шифохоналарни хусусий секторга танлов асосида берсак, бу ерда ҳам жуда катта ўзгаришлар бўлади. Энг асосийси, коррупцияга барҳам берилади.

Самарқанд шаҳрида нодавлат тиббиёт институтини ташкил қиламиз. Бу ҳозир фаолият юритаётган тиббиёт институтимиз билан соғлом рақобат шаклланишига хизмат қилади.

Шунингдек, йиғилишда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ҳам алоҳида масала кўтарилди. Эндиликда ҳар бир раҳбар жамоасида ўзи намуна бўлиб, пиёда юришни йўлга қўйиши керак. Раҳбарлар, маҳалладагилар, зиёлилар — ҳаммамиз қанча кўп ҳаракат қилсак, бу ҳам ҳамёнимизга, ҳам соғлиғимизга жуда фойдалли бўлади.

Овқатланиш маданиятини халқимиз онгига синдириш, тўғри ташкил этиб, тўғри тарғиб қиладиган бўлсак, ортиқча вазндан қутулган. Ортиқча вазн ўз-ўзидан кўнлаб касалликларни келтириб чиқаради. Бу бугунги пандемия шароитида халқимиз учун ўта муҳим масалалар ҳисобланади.

Энг асосийси, тиббиётдан халқимиз рози бўлиши керак. Тиббиётни коррупциядан холи соҳага айлантириш бўйича ҳам йиғилишда чора-тадбирлар белгилаб олинди.



Эльмира БОСИТХОНОВА, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири уринбосари:

— Давлатимиз раҳбари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хулосаларига суянган ҳолда, даволаш инсон саломатлигини таъминлашнинг 10 фойз омили эканини, асосийси эса жисмоний фаолликка, соғлом турмуш тарзига ва тўғри овқатланишга боғлиқлигини таъкидлаб ўтди. Ана шу омилларни аҳолининг ҳаёт тарзи-га айлантириш учун соғлиқни сақлаш тизими қўйи бўғини олдида алоҳида, янги вазифалар қўйилди.

Эндиликда болалар, ўсмирлар, хотин-қизлар, туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги учун зарур микроэлементлар, микронутриентлар ва бошқа зарур витаминлар аниқ таълиқлар, халқаро экспертларнинг ишончли хулосалари асосида, замо-

Барно ОДИЛОВА, Аҳолининг соғлом турмуш тарзини кўнлаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори:



— Йиғилишда Президентимиз тизимда тўпланиб қолган муаммолар ечимини бирма-бир кўрсатиб берди. Айнан аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди. Бугунги кунда юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик маданиятини шакллантириш, уни кунлик одатга айлантириш масалаларига ургу берилди. Соғлом турмуш тарзини кўнлаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази ва

навий ускуналар ёрдамида текшириш орқали бепул тарқатилади.

Инсон ҳаётидаги барча кўникмаларнинг 70 фоизини болалик даврида қабул қилади. Шу боис, соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик туғрисидаги тушунчаларни ёш авлод онгига болалигидан синдириш мақсадида Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари олдида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаш вазифаси қўйилди.

Чекка қишлоқдаги аҳоли мурожаатлари уларга сифатли тиббий хизматни янада яқинлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунга мувофиқ, Президентимиз келгуси йили чекка ҳудудларда 100 та қишлоқ врачлик пункти ва 24 та оилавий поликлиника ташкил этиш бўйича топшириқ берди. Бундан ташқари, 5 ёшгача бўлган болалар учун алоҳида патронаж ҳамширалари тайинлаш, ҳомилалар ва туғиш ёшидаги аёллар бор оилаларни патронаж тизимида тўлиқ қамраб олиш вазифаси қўйилди.

Эндиликда “Қишлоқ шифокори” дастури қабул қилинади. Унга мувофиқ, олис ҳудудлардаги бирламчи бўғинга ишга кирган тиббиёт ходимларига 30 миллион сўм миқдоридан бир мартралик пул маблағи берилади, улар хизмат уйи билан таъминланади ёки ижара тўлови компенсация қилинади.

Бу каби чора-тадбирлар халқимиз саломатлигини таъминлаш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом тарбиялаш йўлидаги асосий мақсадларимизни рўёбга чиқаришда кўл келади, албатта.

тиббиёт олий ўқув юртларига бундан бўён аҳолига бевосита тўғри овқатланиш бўйича маслаҳат берувчи диетолог мутахассислар, аҳоли орасида тўғри овқатланишни тарғиб қилувчи овқатланиш маслаҳатчиларини тайёрлаш вазифалари юклатилди. Кейинги йилдан бошлаб Сирдарё вилоятида тиббий сугурта тизими жорий қилинади.

Умумий амалиёт шифокорини ҳақиқий оилавий шифокорга айлантириш масаласи кўтарилди. Уларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилди.

Оммавий тиббий кўриклар ўрнига мақсидли скрининг дастурлари жорий қилиниши орқали касалликларни эрта аниқлашга эришиш, патронаж ҳамширалари самарали фаолият кўрсатиши учун эса уларни планшет ва мобиль диагностика воситалари билан таъминлаш, аҳолининг саломатлик ҳолати электрон базасини шакллантириш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг республика ихтисослаштирилган марказлари ҳамда тиббиёт олийгоҳлари билан узвий ҳамкорликдаги фаолият механизмлари ҳақида айтилди. Бу дега, бемор ўзига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдамни тўлиқ олиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон ва жаҳон

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАШАББУСЛАР

ДАВЛАТИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги саксондан ортиқ халқаро ҳужжат меъёрларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни кўллаш амалиётига тизимли ҳамда босқичма-босқич имплементация қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Жамиятимизда бу борада рўй бераётган муҳим сиёсий-иқтимоий янгиликлардан халқимизни ўз вақтида хабардор этиш мақсадида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари аҳоли орасида умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш тамойилларини оммалаштиришга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишини таъминлашга кенг жалб этилган.

Барча иқтисодий ва иқтимоий дастурлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган инвестиция лойиҳалари янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бандликка қўмаклашиш жамғармаси, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни кўнлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг иқтимоий ҳимоясини кучайтириш ва соғлиғини муҳофазалаш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, экологик муҳитни барқарорлаштириш, гендер тенгликни таъминлаш юзасидан муҳим лойиҳалар ҳаётага таъбиқ этилаётди. Бу ишларнинг натижалари халқаро рейтингларда алоҳида эътироф этилаётгани кўзга ташланади. Хусусан, БМТ томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг 2020 йилги натижаларига қўра, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) глобал рейтингда Ўзбекистон 71,02 фоиз натижа билан 190 дан ортиқ мамлакат орасида 66-ўринни эгаллади.

Айни пайтда бу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш, аҳолининг иқтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида 2030 йилгача камбағалликни қисқартириш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Ҳаммамнинг қонун олдида тенглиги, инсонларварлик, адолатлилик, суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъминланиши ҳам бевосита инсон ҳуқуқлари устуворлигига хизмат қилмоқда. Шу тўғрйли фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари, фикр, сўз ва виждон эркинлиги кафолатланмоқда. Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам қатор амалий ишлар қилинди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро баргиреклиги янада мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уни ҳимоя қилишнинг миллий механизмлари ҳам тақомиллашиб бормоқда. Олий Мақлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан бирга Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил каби янги лавозимлар жорий этилди.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, аёллар, катта ёшдагиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича ишлар тубдан қайта қўриб чиқилди. Оила институтини мустаҳкамлаш бўйича концепция қабул қилиниб, оилавий моҳораларни ҳал этиш механизмлари яратилди.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Хусусан, давлат хотин-қизлар ва эркаклар жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишда, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва иқтимоий ҳимоя йўналишларида, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини ўз кафолатига олди.

Инсон ҳуқуқларининг энг муҳим шарти бўлган шахсининг фуқаролигини тиклаш бўйича ҳам салмоқли қадмлар қўйилди. Кўп йиллар давомида юртимизда яшаб келаётган бўлса-да, фуқаролик ололмай юрган, бу юксак макомни узоқ вақт интиқиб кутган 50 мингдан зиёд кишини Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди.

Ўзбекистон халқаро майдонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида ҳам ташаббус кўрсатмоқда. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида қўраи замининидаги икки миллиарддан ортиқ йилгит ва қизининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш тўғрисидаги таклифи жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган бўлса-да, БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида эса давлатимиз ташаббуси билан Маърифат ва диний баргиреклиги тўғрисидаги резолюция қабул қилинди.

Шу йил август ойида бўлиб ўтган, энг нуфузли халқаро, минтақавий ва нодавлат нотижкорат ташкилотларнинг 1000 нафардан кўпроқ вакиллари иштирок этган “Ёшлар-2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари” мавзусидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд онлайн форуми якунали бўйича қабул қилинган резолюция БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида эса барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди.

Бу йўналишдаги кенг қўламли ишларни янада тақомиллаштириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилинди. Миллий стратегияда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиши белгилан қўйилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишхотлар дунё ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Бу Ўзбекистон тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига ўз гуруҳидаги давлатлар орасида энг кўп овоз билан сайланишда яққол исботини топди. Ўзбекистоннинг бу нуфузли органга сайланиши унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барқарор саяё-ҳаракатлари эътирофи, халқаро миқёсда тан олинисидир.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ҳелена Фрейзернинг таъкидлашича, “Ўзбекистоннинг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланиши катта шараф. Бу Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бошқа мамлакатларга андоза бўлишини англатади”.

Ҳолбуки, бундан бир неча йиллар аввал Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари масаласида мавжуд кўнлаб муаммолар жамият ривожига жиддий таъсир этарди, бу ҳолат турли халқаро минбарларда қаттиқ танқид қилинарди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши инсон ҳуқуқлари соҳасида энг обрўли халқаро ташкилотдир. Унинг таркибига 47 давлат сайланади. Кенгаш дунёда умуминсоний ҳуқуқлар юзасидан барча масалаларни ва вазиятларни муҳокама қилиш ваколатига эга тузилмадир.

Хулоса сифатида айтиш керакки, юртимизда кечаётган улкан ислохотлар ва янгиликларнинг даврида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг устувор вазифалардан бирига айланган. Ўзбекистонда демократик ислохотлар орта қайтмас жараён эканининг яққол ифодасидир. Бу борада БМТ ҳамда бошқа халқаро тузилмалар билан фаол ҳамкорлиқни янада кенгайтириш эса, албатта, давлатимизнинг миллий манфаатларига хизмат қилади.

Таҳлил



Актам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери уринбосари

Бугунги давр барча соҳалар қатори илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Соҳа тараққиётида фундаментал тадқиқотлар янада муҳим аҳамият касб этаётгани ҳам бежиз эмас. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади. Бошқача айтганда, айни кез жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечим мушкул.

Дунёнинг ривожланган давлатлари тарихига назар ташласак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар, аввало, таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўра-

МИЛЛАТНИ БУЮК ҚИЛАДИГАН КУЧ

миз. Хусусан, Япония, Жанубий Корея, Финляндия, Норвегия каби давлатлар ислохотни боғчандан бошлаб, икки-уч ўн йилликда ўзига хос, самарали таълим-тарбия тизимини яратишга эришди. Бу орқали фуқаролари иқтимоий ҳимояланган, иқтисодий барқарор мамлакатлар сирасига кирди.

Мамлакатимизда узоқ йиллар давомида мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўси, нуфузи пасайиб кетгани, янги давр педагогларини тарбиялаш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли эътибор берилмагани соҳада қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Натижада ҳозирга қадар соҳада амалга оширилаётган тадқиқотларнинг ҳаммасини ҳам илм-фаннинг бугунги юқори ривожланиш даражасига тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Шу жиҳатдан, бугун мамлакатимизда таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини тақомиллаштириш, айнқиса, таълим тизимида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ҳаётий заруратга айланди.

Хўш, ҳозирги кунда жамиятимизда ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва иходкор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш учун нималар қилиш керак? Соҳада кўп йиллардан буюн тўпланиб қолган, таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни бартараф этишда қандай жиҳатларга эътибор қаратиш лозим? Биринчидан, мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва гоғлар билан майдонга

чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлиши учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш муҳимдир.

Иккинчидан, дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини шакллантириш, дарслик ва ўқув кўпланмаларни замон талабларига асосида тақомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш лозим. Зеро, бугун илм бизга ҳаводек зарур, у йўқ жойда тўғри йўлдан адашиш мумкин.

Учинчидан, таълим хизматларини кўрсатишда хусусий секторнинг улушини ошириш, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали рақобат муҳитини шакллантириш, таълим соҳасида давлат-хусусий шериклиқни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Ана шундангина юқори сифатли таълимга, яхши натижага интилиш кучаяди. Шу билан бирга, таълимдаги коррупция ҳам ўз-ўзидан барҳам топади. Чунки нодавлат таълим муассасалари ўз обрўси учун курашар экан, бундай ҳолатларга йўл қўймасликка уринида.

Тўртинчидан, илм-фанни иқтисодиётнинг асосий драйверига айлантириш, илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқтидорли ёш олимларнинг инновацион

фаолиятини рағбатлантириш, мавжуд илмий ташкилотлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шу боис, юксак илмий ва ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш, интеллектуал, эстетик ва жисмоний жиҳатдан баркамол фарзандларни вояга етказиш учун шароитни тубдан яхшилаш гоғат муҳимдир.

Бешинчидан, мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тақрибга асосида тақомиллаштириш, ўқув юкпамалари ва фанларни қайта қўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур. Айниқса, ўқитишнинг халқаро андозалари ва дарс ўттишни баҳолаш тизимини жорий этиш, олий ўқув юртларига қабул оловталарини босқичма-босқич кўпайтириб бориш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ва самарадорлигини юксалтириш талаб этилади.

Жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳамиша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Чунки чуқур билим ва ҳаётий кўникмаларга эга, интеллектуал ривожланган ўқит-қизларни тарбиялаш, пировардида Ўзбекистоннинг қисқа муддатда ривожланган давлатлар қаторидан жой олишини таъминлашда мактабларда берилаётган таълим-тарбия ниҳоятда муҳим

ўрин тутади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда бир қатор қонун лойиҳалари қатори Президентимизнинг йўқоридаги масалаларни ўзида қамраб олган “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада тақомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” фармони лойиҳаси ҳам кенг муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжатда Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг умумтаълим муассасасини сақлаш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар миқдорини камайтирмаган ҳолда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги набатлилик коэффациенти паст бўлган умумтаълим муассасаларини тақриб-синов тарихасида хусусий сектор вакилларига беш йилга ишончли бошқарува бериш таклиф этилмоқда.

Бу жараёнда ишончли бошқарувига умумтаълим муассасасида таълим олаётган ҳамда унга бириктирилган микрохудоуд ўқувчиларини ўқитиш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таълим сифатини ошириш ва умумтаълим муассасасининг биноларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари юклатилади. Қолаверса, ишончли бошқарувига нодавлат таълим ташкилоти фаолиятини ташкил этиш учун умумтаълим муассасасининг бўш турган

бинолари ва ер майдонлари ажратилиши кўзда тутилган.

Бу таклиф амалга ошиши учун ишончли бошқарувига янада кенроқ имкониятлар бериш биз учун ақсо ва энг тўғри йўлдур. Сабаби, беш йил қисқа муддат ва уни камида ўн йил этиб белгилаш лозим. Бундан ташқари, фақат шу таълим муассасасини эмас, балки ҳудуддаги бошқа бўш биноларни ҳам ишончли бошқарува бериш орқали хусусий секторнинг қизқишини янада ошириш мумкин. Асосийси, ижобий натижага эришиш учун мазкур ишончли бошқарув тизимини республика ҳудудидаги барча туманларда жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Қарор ва ижро

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимизнинг жорий йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида чиқиндиларни қайта ишлашга юқори технологияларни қўллаш механизмини жорий этиш белгиланган. Шунингдек, қулай инвестиция муҳитини яратиш орқали ушбу соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Ушбу қарор ижроси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЙЎҚДАН БОР
БЎЛАЁТГАН ДАРОМАД

Фарғона шаҳридан 8 километр узоқдаги адирликда, Саткак қишлоғи яқинида жойлашган, Фарғона шаҳри “Тоза ҳудуд” ДУК филиалига қарашли бўлган марказий чиқиндихона 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, умумий майдони 74,7 гектардан иборат. Бу ерга Фарғона ва Марғилон шаҳарлари ҳамда Қўштепа, Тошлоқ туманларидан маиший чиқиндилар ташиб келиниб, утилизация қилинади. Айни кунларда бу ерда қиймати қарийб 5 миллион долларга тенг лойиҳа ишга туширилмоқда. Гап шундаки, “Қирғули коммунал сервис” МЧЖ томонидан давлат-хусусий шериклик асосида Беларуснинг “Сифаня эко техника” ва Туркиянинг “Симо техноложе Туркия” компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳанинг йиллик қуввати 200 минг тонна чиқиндини қайта ишлаш ва саралаш имконини беради. Ҳозир қурилиш-монтаж ишлари бошланган. Яъни туркиялик ҳамда беларуслик инвесторлар билан ҳамкорликда маиший чиқиндиларни қайта ишлаш технологиялари ўрнатилмоқда. Бу, биринчи навбатда, пэт бутилкалар, баклажкалар, полимер плёнкали пакетларни чиқиндилар қаторидан ажратиб олиш ва қайта ишлаш имконини беради.

— Давлат-хусусий шериклик асосида вилоятимизда 9 та лот қўйилди. Ҳозирги кунда бу лотларда баҳолаш ва инвентаризация ишлари якунланди, — дейди Фарғона вилояти “Тоза ҳудуд” ДУК раҳбари Воҳиджон Зоҳидов. — Айни пайтда улар тендерга қўйилган. Ғолиблар аниқлангач, махсус техникалар ажратилади. Шунингдек, вилоят аҳолисини санитар тозалаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида каттик ва маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш ва қайта ишлаш бўйича ҳудудларда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида корхоналарни ташкил этишда 42 нафар тадбиркор аниқланган. Улар томонидан 106 миллиард сўмга тенг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, 181 дона махсус техника сотиб олиш ҳамда 1 275 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 3 та лот асосида танловлар эълон қилинган. Шу билан бирга, вилоятда 9 та кластер ташкил этилиб, 11 миллионлик инвестиция киритилади.

Эндиликда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан вилоятнинг энг чекка қишлоқлари аҳолисига ҳам санитар хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Чиқинди полигонларидаги санитар ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларни ўз вақтида утилизациялаш ишлари талаб даражасида амалга оширилиши қатъий назоратга оли-

нади. Замонавий техникалар келтирилиб, полигонларда рекультивация ишлари кучайтирилди.

Жорий йил полигонларни оптималлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, қисқа вақт ичида Риштон ва Қўштепа туманлари филиаллари марказий полигонлари оптимал ҳолатга келтирилди. Бугунги кунда тиббиёт ва қурилиш чиқиндилари муаммо туғдираётган, қурилиш чиқиндилари учун алоҳида полигонлар йўқ эди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан энди Фарғона туманидаги Саткак ҳудудидан қурилиш чиқиндилари учун 20 гектарлик полигон ажратиб берилди. Бу эса қурилиш чиқиндиларини жойлаштириш ва қайта ишлаш учун қулай шароит яратади.

Бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, Фарғона шаҳрининг Қирғули мавзесида жойлашган “SANFA fiber” МЧЖ бир йилда 2 минг тонна елим идишини қайта ишлаб, центифон ва спорт тўшамалари, тўқимачилик саноатида кенг фойдаланиладиган пластик тасмалар ишлаб чиқармоқда.

Бундай корхоналар сонини кўпайтириш режалаштирилган. Ҳозир вилоят бўйича чиқиндиларни қайта ишловчи 20 та корхона бўлиб, уларда қоғоз, шиша, чўян, автомобильларнинг яроқсиз шиналарини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга ва аҳоли соғлиғига салбий таъсирини пасайтириш, замонавий инновацион ечимлар ва технологияларни жорий этиш мақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Жанубий Кореянинг Атроф-муҳит саноати ва технологиялари институти (KEITI) билан музокаралар ўтказилди. Ҳамкорлиқни йўлга қўйиш борасида таклифлар тайёрланди.

Кореялик ҳамкорларнинг айтишича, уларда ҳам 15 йил олдин чиқиндихоналар шу ҳолатда бўлган. Лекин махсус техника ёрдамида саралаш ишлари йўлга қўйилган, самарали натижаларга эришилган. Шу боис, бугун вилоятда Жанубий Корея тажрибаси асосида янги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Агар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини экспорт қилиш тажрибасига эга бўлмаса, у ҳолда порталнинг ахборот қисми асқотади.

Технология

ЯНА БИР САВДО-АХБОРОТ ПОРТАЛИ
ИШГА ТУШДИ

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сўнгги йилларда юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари нафақат анъанавий, балки Европа бозорларида ҳам талабгир бўлиб бормоқда. Бу, албатта, бевосита деҳқон, фермер ва тадбиркорларга ўз маҳсулотини тўғридан-тўғри экспорт қилиш учун яратилаётган имконият, халқаро ҳамкорларни топишда берилаётган кўмак маҳсули, десак муболаға бўлмайдими.

Куни кеча ишга туширилган “rural-cluster.org” янги савдо-ахборот портали ҳам агро-озик-овқат соҳасидаги барча маҳсулот етиштирувчи ва ишлаб чиқарувчилар учун минтақавий ҳамда халқаро бозорга воситачиларсиз, мутлақо бепул чиқиш имконини беради.

Мазкур портал “Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг органик хўжаликлари ҳамда ўрмон маҳсулотларини Европа Иттифоқи бозорларида кенгайтириш ва ривожлантириш” лойиҳаси — “ELSOFP CA” доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, Европа комиссияси томонидан молиялаштирилади.

Порталнинг расмий очилиш маросимида халқаро ташкилотлар, юртимиздаги бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этиб, мазкур тизимни ишлаб чиқишдан асосий мақсад COVID-19 пандемияси шароитида кичик ишлаб чиқарувчилар, микро, ўрта ва катта бўлмаган корхоналарнинг профессионал даражасини ошириш, улар учун қулай бизнес муҳитини яратиш, ички минтақавий ва халқаро савдо-сотиқни ривожлантиришдан иборатлигини таъкидлади.

— Ушбу ахборот ресурси лойиҳа иштирокчилари бўлган Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда маҳаллий қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ҳамда ўрмон хўжалиғида ёғочсиз материалларни ишлаб чиқариш тизимида ижобий ўзгаришлар учун шароит яратади, — деди Европа Иттифоқи вакили Шарлотта Адриан. — Бу ўзгаришлар табиий ресурслар, хусусан, қишлоқ хўжалиғи, ўрмон ва яйлов ерларини барқарор бошқаришни таъминлайди. Натижада атроф-муҳитга етказилаётган салбий таъсирларни камайтириш, табиий биохилма-хилликни оширишга хизмат қилади.

БАРЧА УЧУН ОЧИҚ
ПЛАТФОРМА

Интернет портали бир нечта бўлимдан иборат бўлиб, савдо-сотиқ қисмида харидорлар ва ритейл вакиллари учун



кенг қўламдаги маҳсулотлар тақдим қилинади. Бу бўлимда фермер ва ўрмон хўжаликларининг жойлашуви ҳақида маълумотлар, ишлаб чиқарувчилардан қизиқарли таклифлар олиш, харидорларни излаб топиш, улар билан онлайн боғлиқни хизматлари йўлга қўйилган.

Агар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини экспорт қилиш тажрибасига эга бўлмаса, у ҳолда порталнинг ахборот қисми асқотади. Унда халқаро стандартларни таъбиқ этиш ва барча керакли экспорт ҳужжатларини тайёрлаш бўйича ўқув маркетинг қўлланмалар, экспорт бўйича фойдали материаллар мавжуд. Улардан фойдаланишда ҳеч

қандай чекловлар киритилмаган бўлиб, портал барча учун бирдек очик.

Шунингдек, фойдаланувчилар мазкур платформада халқаро савдо жараёнларида иштирок этиш билан бирга мутахассислардан зарур маслаҳат, экспортни бошлаш ва савдонини йўлга қўйишда кўмак олиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, сотувчи ва харидорни бир-бири билан боғлашга хизмат қиладиган онлайн платформа ҳар икки томон манфаатларини бирдек ҳимоя қилган ҳолда сифатли савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш ҳамда ўзбек маҳсулотлари экспортни ҳажмини оширишга кенг йўл очади.

Иқтисодиёт чорраҳаларида

ЙЎЛЛАР КЎРКИ КЎНГИЛДАН...

Гулчеҳра МИРЗАЕВА,
журналист

Кейинги икки йилда Самарқанд йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси йўллар қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда асфальт, қора ва ювилган қизил қум, темир-бетон маҳсулотлари, шағал ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кенгайтириб борапти. Корхонада 2018 йилнинг январь — сентябрь ойлари мобайнида 24 миллион 51 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилнинг ана шу даврида 144 миллион 178 минг сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати қарийб 600 фоизни ташкил этди.

2017 йилда банкротлик ёқасига келиб қолган корхона қисқа даврда бундай ўсишга қандай эришди, деган савол туғилиши табиий. Мутахассислар фикрича, энг аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва зарур объектларни қайта тиклаш эвазига ишда бурилиш ясала бошланди. Хусусан, йўллар учун зарур бўлган темир-бетон маҳсулотлар чеки анча йиллардан буён ишламай қолгани боис, зарур материаллар Тошкент ва бошқа вилоятлардан харид қилиб келинган. Бу, ўз навбатида, қурилишларнинг ушовидан тушови қиммат бўлишига олиб келган.

Айни кунда бу цех тўла фаолият кўрсатяпти, вилоят йўлларида ишлатиладиган темир-бетон маҳсулотлар билан арзон нархларда таъминлаш имконияти юзага келди. Ёки бошқа бир мисол. Асфальт заводидан чиқадиган зарарли чанг-дулдар унинг ёнидаги икки қишлоқ аҳолисини анчадан буён қийнаб келар эди. Бунинг сабаби, асфальт ишлаб чиқариш технологиялари бундан йигирма йил олдин Германиядан келтирилган бўлиб, ҳозир бундай усуналар ҳам, эҳтиёт қисмлар ҳам у ерда тайёрланмайдми. Корхона ихтирочилари буни ўз зиммаларига олишди. Сув орқали дастоҳларни ювиш ва филътрлашни амалга оширувчи механизм ишга туширилди. Унинг натижасидан аҳоли ҳам, экологлар ҳам мамнун. Чунки атроф-муҳитга чанг чиқиши 95 фоиз камайди.

Тош майдалаш ускунасининг ўрнатилиши эса клинеч каби материалларни корхонанинг ўзига тайёрлашга йўл очди.

Излаган имкон топади, деб шунга айтсалар керак. Бундан бир неча кун олдин яна бир хайрли иш низоҳасига етказилди.

— Самарқанд шаҳри, Окдарё ва Жомбой тумани маҳаллаларини бирлаштирувчи узунлиги 90 метр, қиймати 3,5 миллиард сўмлик кўприк жамоамиз фойдаси ҳисобидан ва зғу ниятти инсонларнинг бегараз кўмағи билан қуриб битказилди, — дейди Самарқанд йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари Муродхон Ҳожионов. — Туманлар ахлининг мамнунлигидан, дуосидан жамоамиз ишчи-муҳандислари етти ой давомидаги меҳнати маҳсулидан гурурланиб кетди. Бир неча йиллардан буён катта каналдан сув кечиб ўтиб, ҳаётини ҳавф остига қўйиб келган минглаб одамларнинг узоғи яқин, мушқули осон бўлиганини кўришдан ортқ қувонч борми?!

Кўприкнинг ҳар икки томони ободонлаштирилди, бири биридан нафис гуллар экилди. Пиёдалар йўлақлари қурилди, автобекатлар ўрнатилди.

Корхона автомобиль йўлларини жорий ва капитал таъмирлаш, сақлаш, йўлларни қайта қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини бажаришга ихтисослаштирилган. 400 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнати билан умумий узунлиги 258 километрдан иборат

рат халқаро йўллар ва 10 километр давлат аҳамиятига молик магистралда жорий таъмирлаш ва сақлаш ишларини олиб боради. Корхона 2020 йилнинг шу даврига қадар вилоят ҳудудида жами 4 миллиард сўмлик қайта қуриш ва реконструкция ишларини бажарди.

Самарқанд шаҳридаги Афросиёб кўчасининг 1 654 метрли қисмига 9 200 тонна асфальт, пиёдалар йўлагига 746 куб метр бетон ётқизилди. Шунингдек, Нарпай кўчаси, Кимёгарлар шаҳарчасининг 6,5 километрлик йўлида мукамал таъмир ишлари амалга оширилди.

Шу кунларда жамоа томонидан Самарқанд халқаро аэропортининг самолётлар учмиш ва қўниш махсус йўлакларини мутлақ замонавий андозаларда қайта қуриш ишлари низоҳасига етказилмоқда. Самолётлар тураргоҳи қайта қурилди. Аэропорт ички йўллари кенгайтирилди.



2019 йилнинг сентябрь ойида бошланган мазкур иқтисодий лойиҳа доирасида шу кунга қадар 184 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.

Қайд этиш жоиз, корхона жамоаси ўз фойдаси ҳисобидан хайр-саховат тадбирларида ҳам фаол иштирок этяпти.

— Жамоамиз томонидан 2020 йил бошидан ҳозирги кунга қадар 4,7 миллиард сўм-

сида яшовчи ёлғиз она Оксана Юсупованиннг уйи ёниб кетиб, бошпанасиз қолганида корхонамиз ўз ҳомийлиғига олиб, у яшаган жой ўрнида янги 3 хонали уй қуриб берилди. “Ширин” МФИда яшовчи кам таъминланган фуқоро Эркин Боймуродовга ҳам худди шундай ёрдам кўрсатилди...

Барча хайрли ишлар, шу жумладан, йўлларнинг кўрки ҳам кўнгилдан бошланади.

Таклиф

Бунёдбек ШАМСУТДИНОВ,
эксперт

Ҳозир ер участкаларини ижарага бериш, асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва ушбу қарорнинг 7-иловасидаги Ер участкаларини фермер хўжалиklarига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда мутасадди вазирлик томонидан қабул қилинган ҳужжатлар асосида амалга ошириб келинди.



ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ
борасидаги ҳуқуқий ҳужжатлар бугунги кун талабларига жавоб берадими?

Шунингдек, ҳужжатлар билан белгиланган тартиблар ер майдонларини олишда ортиқча бюрократик расмиятчиликларни кўпайтириб, айрим бандларида ноаниқликлар мавжуд. Жумладан, Ер участкаларини фермер хўжалиklarига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандида ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг таркибида ер ресурслари ва давлат кадастри,

қишлоқ хўжалиғи, сув хўжалиғи, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, шунингдек, туман фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси ва бошқа шахслар қиритилиши белгиланган. Ушбу масъул таркибига архитектура ва қурилиш, санитария-эпидемиология хизмати органлари қиритилишининг сабаби ноаниқ

бўлиб, банддаги бошқа шахслар қиритилиши мумкинлиғи ҳақидаги жумла эса турли ноаниқликларни келтириб чиқаради.

Ер участкалари бериш бўйича танлов якунига кўра комиссия баённомаси тузилиши, сўнгра шу асосда халқ депутатлари туман кенгаши сессиясида кўриб чиқилиб қарор қабул қилиниши, ушбу қарорни 3 кун муддатда туман ҳокими тасдиқлаши ва ҳужжатларни вилоят ҳокими бошчилик қиладиган вилоят

комиссияси кўриб чиқиши учун тақдим этилиши ҳамда ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш (ёки тасдиқлашни рад этиш) ҳақида қарор қабул қилиниши каби кўп босқичли тартиб белгиланган.

Шундай экан, юқорида қайд этилган низом ва буйруқлари қайтадан кўриб чиқиб, соҳадаги сўнгги янгилик ҳамда ўзгаришларни қамраб олган ягона ва яхлит ҳуқуқий ҳужжати ишлаб чиқиш, шунингдек, ер участкаларини ижарага бериш масаласини туман миқёсида халқ депутатлари туман кенгаши раёлатига бериш мақсада мувофиқ бўлади. Кенгаш ҳузурида сони аниқ белгиланган соҳа вакилларида иборат ерларни ижарага бериш бўйича доимий ишловчи комиссия таркибини шакллантириш талаб этилади.

Ер участкаларини ижарага бериш тартиби, танлов иштирокчиларига балл қўйиш тизимини электронлаштириш зарур. Бу борада ягона электрон портал яратиш, мазкур автоматлаштирилган тизимга талаб қилинган маълумотлар, ҳужжатларни киритиш асосида якуний балл чиқаришни таъминлаш бугунги кун талабларига тўла мос келади.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент
Фазлиддин ҲАМРОЕВ,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент

Инсониятнинг бугунги таҳликали даврдаги энг катта орзу-мақсади – тинчлик, осойишталик, хотиржамликни сақлаш. Бир томондан ер юзидаги тинчликпарвар кучлар ўзларининг эзгу ғоялари билан одамларни аҳиллик, бирдамликка, тинчлик-осойишталикни таъминлашга даъват этиб келаётган бўлса, бошқа бир кучлар эса бунинг аксини қилмоқда. Бошбошдоқлик, худбинлик, бир-бирини тан олмаслик, ўзибўларчилик, шахсий манфаат жамиятнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлмоқда.

Айни вақтда дунё миқёсида глобаллашув жараёнлари кучайгандан кучайиб, бу ҳудуд, чегара билмас жараён исталган давлат, исталган минтақада ўз ҳукмини ўтказаяпти. Глобаллашувнинг асл мақсади дунёнинг яхлит тарзда англаиши, дунёнинг бирлашуви ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кучайишидан иборат. Тан олиш лозим, глобаллашув сабаб давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқалар кенгайди, дунё миқёсида ахборот маконлари кўпайиб, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув анча ошди. Бу яхши, албатта. Аммо яна бир жиҳати, атроф-муҳитга техноген таъсир кучайди, “оммавий маданият”нинг турли кўринишлари кенг тарқалди, дунёда ахборот, мафкуравий ва диний, экстремистик хуружлар хавфи орта бошладди.

Бугун тинчлик, хотиржамликни истайдиган давлат раҳбарлари, сиёсатчилар учун ҳам айни вақтдаги ғоятда чигал, мураккаб, қийин вазиятдан қандай чиқиб кетиш, энг катта бойлик — дунёда тинчликни сақлаб қолиш учун қандай чоралар топиш мумкин, деган глобал муаммо ўта муҳим бўлиб турибди.

Юртимизда Президентимиз ташаббуси ва саяё-ҳаракатлари билан бу борада анча самарали ишлар амалга оширилганини бутун дунё тан олиб турибди. Бу мақсадлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг риволантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган. Чўқур ўйланган, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юритиш, хавфсизлик, барқарорлик, яхши қўшнилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланган. Кўзда тутилган вазифалар изчиллик билан бажарилаётгани ва ўз натижасини бераётганини дунё ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Албатта бундай натижаларга давлатимиз раҳбарининг ишончли, дадил ва изчил сиёсати, ҳар бир масалани кўриб чиқшдан олдин етти ўлчаб бир кесиши натижасида эришилди, десак муболага қилмаган бўламыз.

Ўзбекистонда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний баргирекнгликни таъминлаш бўйича ҳам неча ўн йиллар давомида қилнмаган ишлар яқин уч йилда амалга оширилди. Чунки Ўзбекистондек кўп миллатли ва аҳолиси бир неча динга эътиқод қиладиган мамлакатда бу устувор йўналишга алоҳида эътибор зарур эди.

Халқларни, миллатларни бирлаштириб турадиган борди-келди, яхши муомала, мурсоаю мадора бўлса, уларни фан, адабиёт, санъат, маданият янада жипслаштиради.



АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ҚАДРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сайлов-олди дастурида ҳам ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшнилар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратганди. Ўтган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди, чегара, сувдан фойдаланиш каби нозик, жуда жиддий муаммолар ҳал этилди.

Азалдан бир ҳудудда оға-инидек яшаб, эзгу мақсад йўлида бир тану бир жон бўлиб курашиб келган халқлар яна қайта топишди, дийдорлашди. Чегаралар очилгач, қардошлар бир-бирларининг бағрига отилиб, қувонч ёшлари билан шу кунларга етказгани учун минг бор шукрона айтгани, давлатлар раҳбарларини алқгани, миллионлаб одамларнинг қувончдан кўнгиллари масрур бўлгани ҳеч кимнинг ёдидан чиқмаса керак.

Президентимиз илк давлат таширфларини қўшни мамлакатларга амалга оширгани замирида ҳам катта маъно бор. Марказий Осиё давлатлари билан стратегик шериклик муносабатлари қайта мустаҳкамланди. Ўзбекистоннинг бу саяё-ҳаракатлари минтақадаги муҳитга ижобий таъсир кўрсатди, албатта.

2019 йил 29 ноябрь куни Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу учрашув ҳаёт талаби, томонларнинг дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, шерикликни кенгайтиришга интилишни ифодаси эканини айтди.

“Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз — бу замон талаб қиладиган ва орқага қайтмайдиغان жараён эканини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чўқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган эмас”, деди давлатимиз раҳ-бари.

Дўстлик, биродарлик, яқинлик, қардошлик... Бу сўзлар замирида қанчадан-қанча маъно этибди. Марказий Осиёнинг култув заминида дунё цивилизациясини ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк олимлар, мутафаккир ва шоирлар яшаб, ижод қилган. Бу ерда улкан табиий заҳиралар, катта инсоний соҳналар мавжуд, азалдан ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, тожик ва

бошқа миллатлар бир ота-онанинг фарзандларидек аҳил, иноқ яшаган, яхши ва оғир кунларида бирга бўлган. Тили, эътиқоди, урф-одати, маданияти уйкаш бу халқлар доимо бир-бирига суяниб, бир-бирини қўллаб келган.

Тўсиб қўйилган йўллар очилиб, қардош халқларнинг яна бир-бирига яқинлашуви томирларидаги азалий қондошлик, жондошликни кўпиртириб, истиқболга йўл очди. Одатда халқлар, айниқса, қўшнилар орасида борди-келди йўлга қўйилса, бир-бирининг ҳолидан хабар олса, яхши кунлари ёки бошига иш тушганида ёнида турса, шундагина дўстлик, яқинлик бўлади. Борди-келди бўлмаса, бир-биридан хабардор бўлмаса, яқин қариндошлар ҳам бегоналашиб кетиши табиий.

Халқларни, миллатларни бирлаштириб турадиган борди-келди, яхши муомала, мурсоаю мадора бўлса, уларни фан, адабиёт, санъат, маданият янада жипслаштиради. Айтиш керакки, азалдан қozoқ, қирғиз, туркман, тожик шоир-ёзувчилари, олимлари, санъаткорларининг ўзбек олимлари, адиблари, санъаткорлари билан қанчалик яқин бўлгани, бир-биридан ўрганиб ва бир-бирига ўргатиб ижод қилгани, улардан минг-минглаб ўқувчи, санъат шинавандалари баҳраманд бўлганини сўз билан таърифлаш қийин. Сўз заргарлари Ғафур Ғулوم ва Собит Мукнонов, Абдулла Қаҳҳор ва Берди Кербобоев, Ойбек ва Мирзо Турсунзода, Одил Ёкубов ва Чингиз Айтматовнинг аjoyиб, кўпчилик ҳавас қиладиган дўстлиги, асарларининг қардош халқларни бирлаштиришга бемисл ҳисса қўшганига яқин тарих гувоҳ. Фан, адабиёт, маданият, санъат соҳасида қардош халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳамфикрлиги, маънан яқинлиги ҳақида қанча ёзса, қанча гапирса арзийди. Зеро, бу азалий анъаналар энди янги ўзанга кирди ва янада бардавом бўлишини ҳамма бирдек истайди.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатимизда “Туркистон — умумий уйимиз” шиори остида Марказий Осиё халқларини янада яқинлаштириш борасида амалий ишлар олиб борилди. 1995 йилнинг кузида эса Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси халқаро жамоатчилик маркази ташкил этилди. Ассамблеянинг оёққа туришига Чингиз Айтматов ва Одил Ёкубов

бош-қoш бўлган, ривожланишига катта ҳисса қўшган, довруги эса Марказий Осиё сарҳадларидан ўтиб, узоқ-узоқларга етиб борган эди.

Ассамблеянинг саяё-ҳаракати билан бешта республикада галма-гал таниқли адиблар, санъаткорлар, олимлар билан учрашувлар, фестиваллар, анжуманлар ўтказилди, қардош халқлар ана шу учрашувлар натижасида бир-бирларининг тарихи, фани, адабиёти, санъати, маданияти ҳақида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлди, дўстлик ришталари мустаҳкамланди. Бу каби марoқли тadbирлар, шеъронлик, ғазалхонлик кечалари, таниқли ҳофиз, санъаткорларнинг ҳар бир чиқиши одамларда жуда катта таассурот уйғотар, олқишлашдан чарчашмасди.

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида “Марказий Осиё — ягона ўтмиш, умумий келажак” шиори остида маданий-гуманитар алмашув платформасининг яратилиши барча халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини таъкидлаб ўтар экан, аjoyиб тақлифни илгари сурди. Яъни “Ҳар йили Наврўз байрами арафасида

навбати билан ҳар бир мамлакатда Марказий Осиё маданият кунларини ўтказишни муҳим, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг барчаси қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қиладди”, деди.

Яқинда ижтимоий тармоқларда қирғизистонлик бир гуруҳ зиёлиларнинг Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясини қайта тиклашни сўраган мурожаати тарқалди. “Ўрта Осиё ҳудуд-и халқлари бир кенгликда истикомат қилишган. Тарихан турлича таркибда бўлса-да, бир давлат атрофида бирлашганлар. Бу халқлар оғир кунлари бошларидан кечирганлар ва минг йиллар давомида умумватанларини душманлардан ҳимоя қилганлар”, дейилади мурожаатда.

Шунингдек, кейинги йилларда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Марказий Осиё халқлари, жумладан, Қирғизистон билан ҳам барча соҳаларда ўзаро ҳамкорлик муносабатлари яхши йўлга қўйилгани, бу икки қардош халқ учун яхши самара бераётгани эътироф этилган. 2019 йил Тошкентда “Марказий Осиё — умумий уйимиз” шиори остида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Ўзбекистон раҳбарининг бу борадаги ташаббуси Марказий Осиё халқлари, шунингдек, қирғиз зиёлиларига ҳам олам-олам қувонч бахш этгани ҳақида айтилган. “Зиёлилар вакиллари, биринчи навбатда, одамларнинг қалби, онгига цивилизация ва ўзаро миллий хусусиятларни, халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ўрнатувчи ёзувчилар, шоирлар, файласуфлар, барча маданият вакилларининг Ўзбекистон раҳбари ташаббусидан бошлари кўкка етди. Чўки уларнинг қалблари, кўнгли-ларидида гаплар го этилган бу ташаббусда”, дейилган мурожаатда.

Айтиш керакки, авлодларимиз анъаналарини давом эттирган ҳолда Марказий Осиё халқларини фан, адабиёт, санъат, маданият орқали бирлаштириш, яқинлаштиришга бошқоқ бўладиган жамоатчилик маркази ёки маданият фонди тузилса, фойдадан холи бўлмасди. Чўнки халқларни, хусусан, бир ҳудудда яшаб, бир дарёдан сув ичган қардош элларни янада яқин қиладиган, жипслаштирадиган, бир-бирига ҳўрматини оширадиган адабиёт,фан, санъат, маданиятдир. Айтилганлар эса ҳаёт синоваларидан ўтиб, амалда исботини топган.

Хоразм вилояти: ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА бунда миришкорларнинг ҳам ҳиссаси катта

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Шимолий минтақада жойлашган бўлса-да, воҳада боғдорчилик ва сабзавотчилик кейинги йилларда сифат кўрсаткичи бўйича кескин ўзгарди. Шу соҳада фаолият юритаётган фермер хўжаликлари янги интенсив боғлар яратди, миришкорлар йил ўн икки ой аҳолини янги пишиб етилган сабзавотлар билан узлуксиз таъминлаш учун йирик иссиқхоналар бунёд этди.



Шунингдек, полизчилик учун унумдор майдонлар ажратилгани бозорларимиздан барча фаслларда бир-биридан ширин қовун ва тарвузларни харид қилиш имконини яратди.

Натижада воҳа миришкорлари аҳолини мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан тўла таъминлабгина қолмасдан, хорижга ҳам экспорт қилишни йил сайин ошира боришяпти.

Вилоятдаги экспорт ҳажми ўтган ўн ойда 129,9 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу ўтган йилдаги-га нисбатан деярли 15 фоиз кўп. Эътиборлиси, хорижга экспорт қилинаётган мева ва сабзавотларнинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши 29,9 фоизни ташкил қиладди. Бу миқдор ҳам ўтган йилдагига нисбатан сезиларли даражада ўсди.

Бевосита рақамларга мурожаат қилсак. Йилнинг ўтган даврида 12,9 миллион АҚШ доллари миқдоридида сабзавот, шунингдек, 16,3 миллион долларлик мева ва резаворлар экспорт қилинди.

Воҳада узумчилик ривожини ўтган ойлار давомида 6,5 миллион долларлик узум экспорт қилингани кўрсатади. Бу ҳали чегара эмас. Айрим боғбонлар узумларини қиш ойларида аҳолига етказиб бериш ва экспортга чиқариш учун махсус оиборлар, музлаттичли сакловхоналарга топширган. Янги йил арафасида мева ва узум экспорти кескин ошиши кутиляпти.

Хоразм қовунлари билан қадимдан машҳур. Воҳа полизчилари нафақат қовун, балки қовун мураббоси, қовунқоқи ҳам экспорт қилмоқда. Ҳозиргача 2,9 миллион долларлик қовун сотилди.

Узум етиштириш ва экспорт қилишда Богот тумани илғор бўлса, сабзавотларни иссиқхоналарда етиштириш ва хорижга сотишда хонқалик деҳқонлар олдига тушадигани йўқ.

Воҳалик боғбонлар ва миришкорлар етиштирган сара мевалар, мазали қовунлар асосан Қozoғистон, Россия, Қирғизистонга экспорт қилинган. Жанубий Корейга эса қовунқоқи ва қовун мураббоси етказиб берилади.

Барча соҳаларда, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида амалиётга татбиқ қилинган ислохотлар самарасини шунда билиш мумкинки, бундан ўн йиллар аввал воҳа бозорларига бошқа вилоятлардан мева ва қовун келтириларди.

ФУҚАРОЛИК – БУЮК ШАРАФ...

Башорат ОТАЖОНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Киши ватанли бўлиши, юртга, ислохотларга ўзини дахлдор сезиши – бу буюк шараф, бекиёс бахт. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан кейинги йилларда юзлаб юртдошларимиз ана шундай мақомга эришди – Ўзбекистон фуқароси бўлди. Улар ҳаётида янги саҳифа очилди, ҳаёти жўшқинлашди. Бу янги Ўзбекистонимиздаги халқчил ислохотлар самараси эди.

Таъкидлаш жоизки, бугун ўтган 4 йилда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган юртдошларимиз сони 17 мингга яқинлашди. Аслида улар ҳам биз каби ватанимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилмоқда, ҳалол ишлаб, рўзгор

тебратмоқда. Бироқ фуқаролик олгунга қадар биз фойдаланган айрим ҳуқуқлар — имкониётлардан фойдалана олмаган. Уларда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи бўлмаган, меҳнат қилгану роҳат толмаган, хорижга чиқиш орзу бўлиб келган. Айрим ҳолларда эса имкони бўла туриб туғишган жигарларининг, ота-онасининг дийдорини бориб кўра олмаган. Қанча тadbиркорлар ўз ишини кенгайтириш ва сadoҳиятини ошириш мақсадида давлат банкларидан кредит олмақчи бўлган-у, “фуқаролиги бўлмаганлиги учун” важи билан бу имтиёздан фойдалана олмаган. Бу ва бу каби бир қатор чекловлар, тақиқлар баъзан уларни қисиниб-қимтини бўй яшашга маҳкум қилган. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга татбиқ этилган фуқаролик масалаларига оид қонунчиликнинг такомиллаштирилгани эса уларнинг ҳаётидаги ана шу тўсиқни бартараф этди.

“САВОЛЛАРИМНИНГ ЖАВОБИ БОР ЭДИ, БИРОҚ...”

Тошкент шахри Яшнобод туманидаги 152-умумтаълим мактаби директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Аҳмаджон Турсинметов 1971 йили Қozoғистоннинг Туркистон вилоятида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг рус тили ва адабиёти

факультетида таҳсил олган. 1994 йили университетни битиргач, давлатга уч йил мажбурий ишлаб бериш учун Тошкент шаҳридаги 227-умумтаълим мактабидида ўқитувчилик қила бошлади. Бироқ уч йил эмас, ўн икки йил шу мактабда ўқувчиларга рус тили ва адабиётидан сабоқ берди, ҳаётининг чиройли паллалари шу даргоҳда кечди: директор ўринбосари, мактаб директори лавозимига тайинланди. Бироқ мактаб раҳбари этилиб ўйлангач, Аҳмаджон ака учун оғир ва синовли кунлар бошланди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмагани туфайли гоҳ ошкор, гоҳ пилхон “мактаб директори лавозимига лойиқ эмаслиги” танқид қилинди. 2006 йили бундай таъйинлардан чарчаган директор ўз вазифасидан озод этишларини сўраб ариза ёзди.

— Ўқитувчилик ҳаётимнинг бир қисми эди. Шу боис, таълимдан кўнгил узиб кетолмадим, — дейди Аҳмаджон Турсинметов. — Яшнобод тумани халқ таълими бўлими давлат таълим стандартлари мониторинг бўлими инспектори сифатида ишмни давом эттирдим. Сўнг методистликка ўтказишди. Бироз муддат туман мактабгача таълим бўлимида ҳам ишладим. Янги ўқув йилидан эса 152-умумтаълим мактабидида директор ўринбосари сифатида иш бошладим.

Лавозим масаласи кўтарилган пайтда ҳар сафар мум тишлаб қолардим. Саволларимнинг жавоби бор эди, би-

роқ ошкор этилмасди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан биз ва биз каби фуқаролиги йўқ юзлаб юртдошларимиз Ўзбекистон фуқароси бўлдик. Фуқаролик олиш учун ҳужжатларимизни топширганимиздан сўнг дастлаб ўғлимга хушхабар келди. Бироздан сўнг мен, 10 кунилик фарқ билан эса қизим фуқаролик олдик.

А.Турсинметов икки фарзандига яхши таълим-тарбия бериди, элга қўшди. Угли Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтини тамомлаб, Hyatt Regency меҳмонхонасида ишлаяпти. Қизи эса мазкур институтининг 4-курс талабаси.

“ОТАМ ВА АКАМНИ СЎНГИ ЙЎЛГА КУЗАТОЛМАГАНИМ — ЭНГ КАТТА АРМОНИМ”

Сирдарёлик Мўминхўжаевлар хонадонига кетма-кет оиланинг 3 аъзосига фуқаролик берилди. Оилабоши Мўминхўжа Мўминхўжаев кўшни Қирғизистон Республикасида туғилган. Марғилон ҳисоб-кредит техникумида таҳсил олган. Айни пайтда Сирдарё вилояти санитария-эпидемиология осойишталик марказида ҳисобчи.

— Техникумда ўқини тугатгач, ўз хоҳишимиз билан Сирдарёнинг Боевўт туманида яшаб қолдик. Биз оилада 11



фарзанд эдик. 5 нафаримиз Ўзбекистонда яшаймиз, ота-онамиз ва қолган жигарларимиз Қирғизистонда эди. Дастлаб отам, 3 йилдан сўнг акам ёруғ дунёни тарк этди. Фуқаролигим йўқлиги сабабли уларни сўнгги йўлга қузатолмадим. Бу — энг катта армоним.

Бу ерда тўқис ҳаёт кечиришимиз учун барча шароит муҳайё. 2005 йили томорқамизнинг 2 сотих жойида иссиқхона ташкил этиб, помидор ва бодринг етиштиришни йўлга қўйдик. Ўзимиздан ортиб, қўни-қўшни, маҳалла-қўйни ҳам махсулот билан таъминладик. Меҳнатимиз туфайли хонадонимизга барака кирди: рўзгоримиз бут, дастурхонимиз тўқин. Кичкина жойдан мўмайгина даромад қила бошлагач, иссиқхона жойини 5 сотихга кенгайтирдик. 2014 йили эса 30 туп лимон кўчати келтириб эдик. Бу кўчатлар 3 йилда ҳосилга кирди. Бироқ бу иссиқхонани кенгайтириш,

замонавий технологиялар билан таъминлаш учун қўшимча маблаг керак, бунинг учун банкдан кредит олишимиз лозим эди. Афсуски, фуқаролигимиз йўқлиги учун истагимизни амалга ошира олмадик.

Фуқаролик олган Мўминхўжа ака зудлик билан “Туронбанк”га ҳужжат топширибди. Айни кунларда тadbиркорлигини ривожлантириш учун астойдил бел боғлаган. Бундан ташқари, хонадон томорқасида 100 тупдан ортиқ анор ҳосилга кирган, 60дан ортиқ парранда парвариш қилинмоқда.

Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳада мисли қўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқда. Барчасининг замирида халқимиз тўқис ва фаровон яшасин, деган мақсад намоён. Одамлар орасида улар билан тенг ҳуқуқли бўлиб яшаш имтиёзи ҳам ана шундай эзгу ишларнинг энг яхшиларидан биридир.

Муносабат

Бугун дунёда глобал муаммога айланган, кўп инсонларни орамиздан олиб кетган коронавирус пандемиясининг юзага келиши аксарият мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам аҳолининг жисмоний соғломлик даражаси қониқарли эмаслигини кўрсатди.

СОҒЛОМ ЯШАШ — ШАРАФ



Авазжон КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг ўринбосари

Бундан тўғри хулоса чиқарилган ҳолда тегишли чоралар кўрилаётгани, муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётгани юрдошларимиз орасида соғлом турмуш тарзини янада кенг тарғиб этиш ва оммавий спортни ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Сир эмаски, бугун кўплаб юрдошларимиз турли орттирилган ва юқумли касалликлардан азият чеқмоқда. Уларнинг келиб чиқишида эса аҳолининг жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзига бефарқ қараётгани энг асосий омиллардан биридир. Қолаверса, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилмаслик ҳам умумий вазиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эса Ўзбекистон фуқароларининг саломатликларини мустаҳкамлаш, инсонларда жисмоний маданият тушунчасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Хар бир инсон, аввало, соғлом бўлиши учун турли зарарли одатлардан воз кечиб, оммавий спорт билан доимий шугулланиши, тўғри овқатланиши, хусусан, таркибидан туз, қанд, ёғ микдори кўп бўлган, хамирли таом ва ширинликлар, нон маҳсулотларини меъёридан ортқ истеъмол қилмаслиги зарур. Президент фармонида ана шу жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмаган.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шугулланиш орқали ҳар бир инсонда касалликка қарши кучли иммунитет шаклланади. Шу сабабли бугун мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ҳамда оммавий спортни янада ривожлантиришга ҳар қачонгидан жиҳдий эътибор қаратилмоқда.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, юртимизда бунга ҳам аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга қаратилган кўплаб ҳужжатлар имзоланган,

Ташаббус қанот ёзди



МУНОСИБ ТУҲФА

Рўзимбой ҲАСАН, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Тиббиёт ходимлари кунини арафасида Хоразм вилояти Шовот туманининг энг чекка ҳудуди – Чўқли қишлоғидаги 4 та маҳаллада яшовчи аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб янги оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди.

— Кунини кеча Президентимиз раислигида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди, — дейди мазкур оилавий поликлиника мудири Зокия Урозбоева. — Давлатимиз раҳбари аҳоли, айниқса, қишлоқ одамлари саломатлигини сақлаш борасидаги оғриқли масалаларни кўтарар экан, эндиликда янгича тизим асосида ишлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, тиббиёт ходимларига имтиёзлар бериш, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ташкил этиш, уларда замонавий шаклда, ҳаётий эҳтиёжлар асосида ишлаш тизимини яратиш бўйича топшириқлар берилди. Албатта, бу ишлар, аввало, халқимиз манфаатларига, фуқароларнинг соғлом ва фаровон яшашига қаратилганини соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришларда кўриш мумкин. Бугун энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий тиббий ускуналар, малакали кадрлар билан таъминланган соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бизнинг янги поликлиникамиз ҳам улардан бири бўлиб, эндиликда халқимиз саломатлигини таъминлаш йўлида хизмат қилади.

Оилавий поликлиникада 7 нафар умумий амалиёт шифокори, тор доридоғда мутахассислик бўйича 5 нафар шифокор иш бошлади. Шароитлар етарли, бирламчи тиббий ёрдам, амалий даволаш ишлари шу ернинг ўзига бажарилади. Шу боис, энди қишлоқ аҳолиси туман марказига қатнаб, вақтини йўқотмайди.

Валеология — бу мустаҳкам саломатлик, яъни соғлом, жисмоний ва ақлан етук авлодни вояга етказиш устида қайғуриш ҳамда баракали умр кўриш демакдир.

Соғлом турмуш тарзи

Давлатимиз раҳбари яқинда Сирдарё вилоятига ташрифи давомида Оқолтин туманидаги замонавий оилавий поликлиника фаолияти билан танишиб, одамларни соғлом турмуш тарзига одатлантириш борасида таклифлар берди. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳам соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

САЛОМАТЛИК ИЛМИ

Кунини кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик орқали қанчадан-қанча касалликларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлигини барча тушуниши керак”, дея таъкидлади.

Касалликларнинг олдини олиш, гиподинамия-камҳаракатликка қарши оммавий курашиш, аҳоли кенг қатлами, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш саломат бўлиш ва узоқ умр кўришнинг муҳим омилларидан саналади.

Ташкилот раҳбар малакасини ошириш институти валеология кафедраси мудири, Ўзбекистон валеологлар уюшмаси раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шухрат Эргашев билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Республикаимизда валеология мактабига асос солган йирик олим сифатида бу соҳа ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз. Валеология ўзи нима? Умуман, бу фаннинг юзга қилишига нима сабаб бўлган?

— Валеология — бу мустаҳкам саломатлик, яъни соғлом, жисмоний ва ақлан етук авлодни вояга етказиш устида қайғуриш ҳамда баракали умр кўриш демакдир. Ҳозир инсонларнинг соғлиғига путур етказадиган, умрини қисқартирадиган айрим экологик муаммолар, халқ ва қишлоқ ҳўжалигида кимёвий зарарли моддаларнинг гигиеник меъёрдан ортқча қўлланиши турли юқумли ва бошқа касалликларнинг ривожланишига замин яратмоқда. Валеология фаннинг асосий мақсади эса инсонни ҳар хил хасталиклардан асраш, соғломлаштиришга қаратилган.

Бу фаннинг илдизи жуда қадимга бориб тақалади ва бевосита тиббиётнинг ривожланиши билан боғлиқ. “Авесто”да “Тиббиёт — бу танани соғлом ҳолатда сақлаш санъатидир”, деб эътибор. Ўша даврдаёқ шахсий ва жамоат гигиенасининг қатъий қоидалари белгилаб берилган. Ичимлик сув, яшаш хоналари ва аҳоли турар жойларининг ҳолатига катта эътибор қаратилган.

Даволаш тиббиёти илмий фан сифатида тараққий топмаган даврларда, асосан, организмнинг ички имкониятларига эътибор қаратилган. “Авесто”, хитойликларнинг “Конг-фу”, ҳиндистонликларнинг “Аюрведа” китобида саломатлик ва соғломлаштириш масалалари ҳар томонлама ёритилган. Масалан, “Аюрведа”нинг асосий тамойили инсон онгининг танага таъсир ўтказишига асосланади. Касалликдан ҳалос бўлиш одамнинг ўз онги билан мулоқотга киришиб, уни мувозанатга келтира олишига боғлиқ. Ушбу қадимги тизимлар аслида валеологиянинг фан ва илм сифатидаги асосини ташкил этади. Мазкур фан касалликни даволаш эмас, балки соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, саломатлиқни мунтазам қўллаб-қувватлаш учун организмнинг захира имкониятларидан фойдаланишни ўргатади.

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг машҳур “Тиб қонунлари” асари саломатлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш ғоялари асосида ёзилган. Аллома инсонлар ўзини ўраб турган атроф-муҳит билан мулоқотда бўлишини ва ташқи муҳит омиллари, ўз навбатида, унинг саломатлигига таъсир қилишини таъкидлаб ўтган. Улуғ ҳаким саломатлиқни сақлашда жисмоний фаоллик муҳимлигини алоҳида қайд этиб, тартибли ҳаёт тарзи омили сифатида жисмоний машқлар, овқатланиш тартиби ва ўйкуни қайд этган. У бундай ёзади: “Меъёрида ва ўз вақтида жисмоний машқлар билан шугулланадиган инсон ҳеч қачон даволанишга муҳтож эмас”.

Тиббиёт фани улкан уюқларга эришган бугунги кунда ҳам олим қолдирган тавсиялар, у яратган “Тиб қонунлари” узоқ асрлардан буён инсониятга хизмат қилиб келаётгани бежиз эмас. Зеро, инсон саломатлигини сақлашда индивидуал ёндашув зарурати ҳамда организм имконияти ва захираларининг аҳамияти нечоғли муҳимлигини бугунги кун ҳам кўрсатиб турибди.

Кўпчилик ўзининг саломатликка умидини айнан тиббий омил билан боғлайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилгига кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар орасида тиббий таъминот атиги ўн фоизни ташкил этади. Шубҳасиз, узоқ ва саломат яшашнинг асосий шартини тиббий маданият ҳамда



соғлом турмуш тарзига риоя этишдир. Шу билан бирга, организмнинг захира имкониятларини ўрганиш, ўз саломатлигига малакали муносабатда бўлишнинг бу борада аҳамияти бекис. Шундай эмасми?

— Тансихатликни сақлаш муаммоси қадимдан олимларнинг эътиборини тортиб келган. Мавжуд аксарият усуллар организмнинг функционал имкониятларини аниқлашга асосланган.

Хар бир одам ўзига хос. Хасталикка чалиниш ҳаммада ҳар хил кечади. Бунини эътиборга олган ҳолда инсоннинг миқдози, жисмоний ва руҳий ҳолати, фезъл-атвори, яшаш ва ишлаш шароити, нимага қизиқиши, соғлиғи чуқур ўрганилиб, унга алоҳида маслахат ҳамда тавсиялар бериш лозим.

Кафедрамиз мутахассислари саломатлик даражасини аниқлаш бўйича марказий поликлиникалардан бирида инновацион грант асосида изланиш олиб борди. Валеологлар математик олимлар билан ҳамкорликда изланишлар натижаларини компьютер базасига киритиб, саломатлик индексини аниқлашга қаратилган дастур тайёрлади. Унга ҳар бир одамга тегишли маълумотлар қўйлаштирилади. Турмуш тарзининг жўл қиррали томонларини комплекс баҳолаш ва эрта ўлим хавфи омилларини қидириш жараёнида ҳаёт сифатини аниқловчи анкетадан фойдаланилади. Инсоннинг моддий таъминоти, турар жой шароити, ҳудуд экологияси, яшаш шароитидан қониқиши, оилавий муносабатлари, рационал овқатланиш маданияти, дам олиш хусусиятлари, кундалик жисмоний юқумлар, маънавий дунёси, стресслар даражаси, зарарли одатлар, касалликка наслий мойиллик ва яшаш географиясидан қониқиши 25-30 дақиқа давомида аниқланади. Демак, у саломатлик индекси асосида индивидуал соғломлаштириш дастурига эга бўлади. Энди бу инсонга саломатлигини сақлаш ва касалликнинг олдини олиш юзасидан маслахатлар берилади.



— Бу дастур инсоннинг ички имкониятларини янада қучайтириши ва умрини узайтиришида самара берар экан-да?

— Албатта. Соғлом турмуш тарзи тўртта алоҳида дастурдан иборат. Биринчиси, оқилона овқатланиш. Ҳар бир киши кунига беш маҳал, ўз вақтида ва тўғри овқатланиши шарт. Иккинчиси, жисмоний ҳаракат. Ҳар бир киши ўзи учун жисмоний ҳаракат дастурига эга бўлиши лозим. Организм ҳолатига қараб, кимгадир ҳар кунини пиёда юриш, кимгадир сузиш тавсия қилинади.

Учинчиси, руҳий-ҳиссий саломатлик. Бу ўринда ҳар бир соғлом киши индивидуал антистресс дастурдан фойдаланади. Дастурга асосан, одамнинг ҳис-туйғулари қаттиқ назорат қилинади. Унинг нимадан ҳаяжонланиши ёки қандай ишларни бажарса камроқ руҳий зўриқиши аниқланади ва буларни эътиборга олган ҳолда фойдали тавсиялар берилади.

Тўртинчиси, репродуктив саломатлик. Бу дастурга асосан, аёллар ҳомиладор бўлишдан олдин соғлиғи ҳар томонлама текширилади. Фарзанд кўриш вақти, умри мобайнида нечта фарзанд кўриши мумкинлиги ҳақида тавсиялар берилади.

— Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг моҳиятини ташкил этувчи асосий омиллардан бири рационал овқатланишдир, дедингиз. Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари турининг кўпайиб бораётгани, озиқ-овқат саноатида генни ўзгартириш технологиялари қўлланиши ва бошқа сабаблар туғайли соғлом овқатланиш тушунчасига путур етаётгандек. Айтинг-чи, рационал овқатланишнинг валеологик тамойиллари нималардан иборат?

— Тўғри овқатланиш истеъмол қилинган ва сарфланган қувват ўртасидаги мувозанат билан ифодаланади. Бир кунлик ўртача овқат истеъмолидан ҳосил бўлган энергиянинг асосий қисми кун давомида сарфланиши лозим. Жисмоний ҳаракат ҳамда касбий меҳнатни ҳисобга олган ҳолда калорияли таомлар истеъмол қилиш, овқатланиш меъёрига қатъий риоя этиш лозим. Сарфланган қувват ўрни тўлдирилмаса, яъни овқатланиш меъёри бузилса, одам ё кучсизланади, ё семириб кетиши мумкин. Ўз вақтида витамин ва минералларга бой, сифатли таомлар билан озиқланган кишининг қайфияти чоғ, ўзи бардам бўлиб юради. Бу унинг ҳаёт тарзи, оиласи ва касб-корига ижобий таъсир кўрсатади.

Овқатланиш оралиғи 3-4 соатдан ошмаслиги, озукани кам микдорда истеъмол қилиш ва жуда тўйиб кетмаслик, овқатдан енгил иштаха билан туришга одатланиш лозим. Кун давомида овқатни бир хил тартибда ейиш мақсадга мувофиқ. Шошилиб овқатланганда одам эҳтиёжига нисбатан кўп тановул қилади. Чунки марказий асаб тизимида тўқлиқ ҳисси секин етиб боради. Тўқлиқ ҳисси қондаги глюкоза ва аминокислоталар етарли даражага етганда пайдо бўлади.

Инсон организмнинг меъёрий ҳаётий фаолияти учун оқсил, ёғ ва углеводларнинг, витамин ва минерал



моддаларнинг муайян микдордаги нисбати лозим. Шунинг учун овқатланиш тартибини белгилашда озукаларнинг бирикмаларига эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини текшириш, санитария-гигиена талабларига жавоб беришга аниқлик киритиш жуда муҳим. Истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини ўрганиш ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозим.

Вазини меъёрида бўлишига эришиш, ортиқча ва тартибсиз, паллапартиш овқатланишга чек қўйиш, керакли микдордаги оқсил, ёғ, углевод, минерал модда ва витаминларга бой таомларнинг истеъмол қилиш саломатлигининг муҳим омилларидан саналади.

— Жисмоний машқларнинг аҳамияти хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Нима учун жисмоний машқларни бажариш керак? Энг муҳим сабаб — бу ҳаёт сифатини оширишдир. Машқлар ва ҳар қандай жисмоний фаоллик нафақат стрессларни бартараф этади, балки организм ҳолатини яхшилаб, яшаш давомийлигини узайтиради.

Бундан ташқари, жисмоний фаоллик учта сабаб бўйича тана вазини назорат қилишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади: организмдаги калорияни сарфлаш эвазига вазининг камайишини тезлаштирилади, организмда тўпланган ёғ қатламининг ўзлаштирилишига ёрдам беради ва мунасиб оғирлигини кўпайтиради, диққатини овқатдан жисмоний фаолликка йўналтиради.

Сўнги йиллардаги тадқиқотлар натижаларига кўра, тўғри овқатланиш нафақат ортиқча вазини камайтиради, балки артериал қон босимини туширади. Қондаги қанд микдорини камайтиради. Бу диабетга чалинган беморлар учун жуда муҳим. Шунингдек, юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди, эрта қаришнинг олдини олади ҳамда миокард инфаркти ва инсулт каби оғир касалликларни бартараф этади.

— Дунёни хавитар ва таҳликага солган пандемия таҳдиди бизни ҳали тарк этгани йўқ. Валеолог сифатида касалликдан сақланиш борасида қандай тавсиялар берасиз?

— Ҳозир соғлом турмуш тарзи, валеологик тамойилларга қатъий риоя қилиш ҳар қачонгидан муҳим. Организмнинг захира имкониятларини оширишимиз керак. Бир кеча-кундузлик биоритмни ҳисобга олган ҳолда ўз меҳнат қобилиятини тартибга солиш, дам олиш ва ўйку вақтини тўғри ташкил қилиш, сифатли ва оқилона овқатланиш, гиподинамия-камҳаракатликка йўл қўймаслик — мустаҳкам соғлиқ гарови. Организмнинг жисмонан, руҳан, ҳиссий, интеллектуал бақувват бўлиши касалликка чалинмаслик ёки уни енгил ўтказишда муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш шарт. Қўлларни тез-тез совунаб ювиш, иҳтимоий масофа сақлаш, зарурат бўлмаса, одамлар гавжум жойларга бормаслик керак. Соғлом турмуш тарзи орқали инсон ўзини ва яқинларини COVID-19 ёки бошқа вирусли инфекциялардан ҳимоя қилади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

Мозий — ҳақиқат тарозиси

Бўри ҚОДИРОВ,
Республика маънавий
ва маърифат маркази
бўлим бошлиғи, тарих
фанлар номзоди,
доцент
Ҳаким САТТОРИЙ,
журналист

Айни пайтда ижтимоий-маънавий ҳаётимизда бир ҳол алоҳида бўртиб кўринмоқда. Жонажон Ватанимиз ўз истикболи йўлида нурли марраларни забт эта бориб, инсоният тамаддунига улкан туртки берган, кўплаб алломаларни тараққиётга туҳфа қилган Ренессанс (Ҳайоитиш даври) ни XXI асрда юзага келтириш, бунинг учун барча асослар борлиги ва салоҳиятимиз шай ҳолда эканини дунёга маълум қилди. “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Ҳайоитиш даври, яъни Учтинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик”, деди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ҳайотувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Президентимиз томонидан айтилган бу фикр узоқ йиллардан бери миллий тафаккуримизда рўй бераётган ўзгаришларнинг тадрижий ҳосиласи ва эътирофи сифатида қутиб олинди. Албатта, ҳар бир давлат ўз истикбобини белгилаб, стратегик вазифалар кўяр экан, ўз тарихдан улғи олади. Давлатлар бир-бирига ўхшамагани каби, уларнинг тараққиёт йўли ҳам ҳар хил бўлади. Мамлакатнинг ривожланиш дастури ўз ўтмишидан вобаста ҳолда тайин этилар экан, бугунги Ўзбекистон учун Ренессанс модели тарихан қонуний ва адолатлидир. Негаки, биз умргузаронлик қилаётган заминда икки



марта буюк юксалиш — Ренессанс рўй берганини тарихий далиллар сўзсиз тасдиқлайди. Ренессанс намунаси давлатимиз учун яқин келажақдаги асосий йўл эканини давлат раҳбари алоҳида таъкидлади: “Биз учун Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”. Албатта, бу тарихий ҳодисанинг барча ўлчамлари инкишоф этилади ва у давлатимиз учун тараққиёт дастурида эталон бўлиб қолади.

Дунё тамаддунида юксак кўтарилишга сабаб бўлган даврлар ҳақида гапирганда уларнинг пайдо бўлиш шароитлари ва эволюциясини бир қўр эслаш фойдадан холи бўлмайди. Табиатан қулай минтақада жойлашган юртимиз худудлари азалдан инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири бўлиб келган. Ривожланишининг илк кўрақлари шу заминда япроқ ёзган, инсон тақомиланинг босқичлари илк дафъа шу ўлкада юз кўрсатган. Бу ҳолни Селунгур ёки Тешиктошдан топишган одам суякларини ҳам тасдиқлайди. Ибтидоий қавмларнинг заъки, дунёқарашини эса юртимиздаги тоғлар қоясида йўйилган тошбитиклар — петроглифларда ўз аксини топган. Маданий ривожланиш юзага келиб, ундан кейин ўтган минг йилликларда давлатчилик тарихида, инсон фаолиятининг кўп қиррали ривожига ҳам шу худудлар асосий майдон, маскан бўлди. Тарих зарваракларидан жой олган Бактрия, Парфия, Довон, Қўшон сингари давлатларнинг довруғи дунё маънавий уммонига пўртана ясагани, уларнинг шон-шухрати бугун ҳам

мухлисларни ҳайратга солиши бежиз эмас. Ҳолбуки, неча минг йиллар олдин инсон тафаккурини юксалтирган, маданият оламида етук тараққиётга эришган, одамлар кийимини ўтуклаб (дазмоллаб) кийган давлатларнинг тула шаклланиб, даври даврон сурган далили бу тупроқни чинакам муқаддас деб аташга изн беради. Туронзамин ҳақиқатан ҳам инсониятнинг олтин ойкуменасидир.

Тараққиёт тадрижида бугун Буюк ипак йўли деб аталадиган манзилларда қарвонлар сафари бошлангач, жўғрофи жиҳатдан чорраҳада жойлашган бу масканлардан савдогарлар муттасил ўтиб турган ва маданиятлар қоришувининг энг ўнғай йўли сифатида эътироф этилган цивилизациялар туташуви орқали жами баҳри-бардаги тамаддуни шу нуктада умумлашган (синтезлашган). Алоқалар ривожига форс, хитой, япон, ҳинд, юнон, савдо тармоқлари кенгайгач, Европа ва бошқа илгор маданият унсурлари кириб кела бошлаган ва қулай муҳитда томир отиб, ривожланган. Шундай қилиб, олис мозий бағрида Осиёнинг қоқ ўртасида бир маданият бўстони пайдо бўлган.

Араб маданиятини кириб келиши, ислом динининг ёйилиши эса тараққиёт томирларида обихаётдек таъсир этган. “Ҳақни танишининг энг биринчи воситаси маърифатдир”, деган ақидада амал қилган ислом дини илм-фаннинг ривожига қучли омил бағишлади. “Бир соатлик илм исташ бир ойлик ибодатдан

афзалдир”, деган рағбат билан музайян этилган исломий таълимот илм-маърифат парвозига кенг уфқ очди. Ҳақидаси “Илмдан ўзга наҳот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”, дейилган. Шундай қилиб, илгор маданият унсурлари билан тўйинган туркий турмуш тарзи исломий маърифат билан туташди ва бу ҳол дунёни лол қолдирадиган кашфиётларга, уларни тасдиқлаган алломаларга бешик бўлди. Албатта, биринчи Ренессанс деб шартли номланган бу давр ҳақида жуда кенг маълумотлар тарқалган, бу ўринда ўша шонли даврларни қайд этиб ўтиш билан чекланамиз.

Бу даврнинг таълиҳидан бизга Ренессанс тушунчасининг табииати анча таниш бўлиб қолди. Демак, илк Ренессансга маданиятлар қоришуви майдон бўлган экан. Иккинчи Ренессанснинг воқе бўлиш шароитлари эса бошқачароқ кечган. Бу ўринда кўп муҳокамаларга сабаб бўладиган мавзу — тарихда шахснинг роли масаласига алоҳида урғу беришга тўғри келади.

Тарих бебаҳо хазина, бебаҳо бойлик. Шунинг учун тарихни ўрганиш, ундан амалий фаолиятда фойдаланиш ҳам фарз, ҳам қарз.

ТАРИХ БУГУННИНГ ХИЗМАТИДА

Юртимизда кечган иккинчи Ренессанс тарихда бир буюк шахс нималарга эришиши, у бутун инсониятга қандай зғулиқлар туҳфа этиши мумкинлигига ёрқин мисолдир. Албатта, дунёда буюк зотлар кўп ўтган: лашкарбошилар, саркардалар, давлат арбоблари... Улар амалга оширган ишлар ҳамон инсониятни ҳайратга солиб келади. Бу буюк зотлар ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан умуминсоний тараққиёт миносига бир гишт қўйганлар ёки уни бир бўгин юксалтирганлар. Ҳатто ўз хатолари билан ибрат бўлган зотлар ҳам эсланади. Аммо гапнинг буларини айтганда, бутун бир тараққиёт босқичини бошлаб берган, ўз ғояларининг барҳаётлигини ҳам назарий, ҳам амалий таъминлаб кетган, шунингдек, эътиқоднинг кучини ўз авлодлари орқали юз йиллар оша кўрсата олган шахс тарихда кам. Ана шундай шарафга юртдошимиз Соҳибқирон Амир Темури ҳазратлари мушарраф бўлганлар. “Ун бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темури бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муқташам салтанат юртимизда иккинчи Ҳайоитиш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди”, дея эътироф этди давлатимиз раҳбари. Иккинчи Ренессанснинг юзага келиши, ривож ва тарихда қилиши бир шахс фаолияти билан боғлиқ. Темурийлар маданияти инсоният маънавий оламида беш юз йилдан кўпроқ амалий фаолиятда бўлди, улар қолдирган мерос эса жами инсониятнинг бебаҳо мулкига айланади.

Гапнинг сирасини айтганда, биз асосий мақсадга ўтишдан олдин бир тарихий саҳнага амалга оширдик, холос. Асосий мудида эса бугунги кунларимизнинг қайноқ нафасига ҳамоҳанг тарзда мозий хазинасини титиб, ўтмиш бойликларини сарҳисоб қилиб, инсоният тарих сабоқларисиз яшай олмаслигини таъкидлашдир.

Агар тарихий далиллар манфаатлар нуктаи назаридан баҳоланса, у фақат тарбиявий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, балки ундан қўчиб ётган миллий биқилиқ ҳисларини уйғотишда, бошқа халқларга нисбатан адолатга олиб келишда, тажовузорлик сиёсати ва мақсадларини асослашда ҳам фойдаланилиши мумкин. Масаланинг бу томонини инкор этмаган ҳолда, ана шундай ҳавфлардан огоҳ бўлиб, тарихни ибрат, дарсхона сифатида ўрганиш жонлигини таъмин этиш лозим. Инсоният тарихи — умуминсоният мулки. Уни халқ яратган, ҳар бир натижани қанча қонлар тўкиб, қурбонлар бериб қўлга киритган. Хулосалар эса йиллар оша воқеалар қайроғиде қархалиб, тасдиқланган. Бу ўринда “кашф этилган велосипеди қайта ихтиро қилиш” йўлидан бориш эмас, балки хатоларни тақрорламаслик таъминлигини туттиш мақбул. Муқтақиллик мафкурасини талабларидан бири — халқларимиз учун фожеавий оқибатларга олиб келган ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқариб, тарихий ифтихор ҳиссини миллий биқиликка айланиб кетишига йўл қўймаслик, хусусийлик билан оламшумуллик ўртасидаги темир чегарани аниқлаб олиш, қатъий белгиллаб қўйиш ҳамдир. Тарихни ўрганиш билан бирга тарихни идрок этиш маданиятини, тарихий тафаккур маданиятини шакллантириш ундан ҳам муҳимроқдир. Албатта, тарихга мурожаат этиш маърифат белгиси, аммо уни ис-

теъмол қилиш меъёрларини билмаслик бошни айлантириб қўйиши мумкин.

“Тарих бу — сабоқ” талабидан келиб чиқиб, икки Ренессанснинг юлдузли онларини кўз олдимизга келтирсак, қўтбнинг иккинчи тарафида улар юлдузининг сўнган лаҳзалари ҳам қўндек намоён бўлади. Илк Ренессанснинг инқирозига ташқи душманлар сабабчи бўлди. Иккинчи Ренессанс эса ички зиддиятлар туфайли заволга юз бурди. Мана, тарихнинг оддий, лекин улкан сабоғи. Ҳушёр одамлар учун бу икки кўнгирак тимисиз жаранглаб туриши шарт.

Тарихлар қайта-қайта ёзилган. Ҳатто ким ғолиб бўлса, ўша тарихни ёзади, деган норасмий ақида ҳам урф бўлган. Бунга яқин ўтмишимиз гувоҳ. Демак, тарихни ўрганиш билан бирга ҳақиқий, тоза тарихни тақдим этиш ҳам муҳим. Тўғри, ҳар қандай мезонини писанд қилмай, қоядек қўнғ юксалган ҳақиқатлар ҳар қандай мақсад билан ёндасилганда ҳам мағрур тураверади, лекин баъзи хусусий масалаларда турли қарашлар, талқинлар давом этаверади. Олайлиқ, кейинги йилларда Шайбонийхон ва унинг авлодларига қизиқиш кучайди ва бу борада турли фикрлар баён қилинмоқда. Бу ҳолнинг сабаблари кўп. Шулардан асосийси яқин ўтмишда бу даврга эътибор билан қаралмагани ва кўп ҳақиқатларнинг парда ортида қолиб кетганидир.


Шуро даврида тарихга муносабатнинг икки муҳим таъмоили қарор топган: синфий ва материалистик ёндашув. Шайбонийхон ҳамда авлодлари диний арбоб деб қаралган ва уларга эътибор берилмагани шундан бўлса керак. Бугун эса ҳамма тарихий ҳақиқатни очик-ойдин ошқора қилиш имкони бор. Кечаги кун хатоларини дастак қилиб, Шайбонийларни жаҳрдийда сифатида қўрсатувлар кўпчилик. Ҳолбуки, уларнинг ҳаётий шиори, тутуми, ўзидан олдинги сулола — Темурийлар, демак, тараққиётга муносабатини таҳлил қилиб, ҳамма нарсани тушуниб олиш қийин эмас.

Мухаммад Шайбоний (Шоҳбодок султон) Абулхайроннинг набираси бўлиб (Абулхайронга Мирзо Улуғбекнинг қизларидан бири узатилган ва икки ўғил фарзанд кўрганди; демак, бу сулола ҳам Темурийларга бегона эмас), ўзини Дашти Қилқоч хонлари, демак, Чингизхон авлоди деб билган ва юришларида катта бобоси Чингизхон қўлаган тутум билан ҳаракатда бўлган. Тўғри, у ислом динини қабул қилган, хатто “Жойнамо”им тахтимдан афзан”, деган эътиқодга эга эди. Унинг Самарқанд устига юриши бутунлай босқинчилик характерга эга бўлиб, мурооса мадорига ўрин қолдирмаган, мақсади Темурийлар ҳукмронлигига барҳам бериб, уларни йўқ қилиш, ўз салтанатини тиклаш бўлган. Бу жиҳатдан унинг Чингизхондан фарқи кам. (Чингизхон ва авлодлари қолдирган излар тарихда анча муҳрланган. Улар ҳужумидан гуллаб турган Самарқанд култепага айланган, кейинчалик уни тиклаш керак бўлганда вайронлардан тозалашни илжои бўлмаган ва янги шаҳар ғарбқоқда бунёд этилган. Бухоро шунчалик ғорат этилганки, қуҳор ун йил шаҳарда тириклик унсурини бўлмаган, одам ашаманган). Албатта, Шайбонийхон моҳир лашкарбоши сифатида мақсади йўлида ғалабаларни қўлга киритди, бироқ маърифат ва тараққиёт нуктаи назаридан олдинги салтанатга раҳм-шафқат қилмади. Масалан, ўша пайтда Самарқанд тахтини эгаллаб турган Мироншоҳ Мирзо авлодларидан Султон Алининг онаси Зухрабегим омонлик талаб, Шайбонийга хат ёзади, ўғлини тирик қолдирса, никоҳига ўттишга ҳам розилигини билдиради. Аммо шаҳарни куч билан эгаллаган Шайбоний аёлни ҳам, 17 ёшли шахзодани ҳам намойишқорона қатл этади. Ёки Хуросон учун бўлган жангларда Умаршайх Мирзо авлодларидан ака-ука Абулмуҳсин ва Мухаммад

Муҳсин, Фаридун Хусайн, Мухаммад Қосим Мирзоларга ҳам шафқат қилмай, ҳаммасини қилчидан ўтказди. Ҳолбуки, улар билан мурооса қилиши ёки тирик қолдириб, хорижга чиқиб кетишига рухсат бериши мумкин эди. Албатта, бундай ҳолни ўша давр учун одатдаги гап деб қараш мумкин, аммо булардан ташқари, Шайбонийнинг муҳдиш қисмати ҳам уни юксак мақомда улуғлашга изн бермади.

Абу Райҳон Беруний ўз пайтида тарих ҳақидаги асарларида инсониятга ибрат қилиб кўрсатишга лойиқ топиладиган буюк зотларга қўйилмаган талаблар ҳақида сўзлайди. Албатта, унинг насл-насаби, фаолияти, тақдири ва хотираси ҳар қандай шубҳадан холи бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Ҳатто бундай рутбага лойиқ кишиларнинг “қўринишидаги гўзаллик ва тузилишидаги баркамоллик” уни ҳар бир одамга сеvimли қилиб кўрсатишини қайд қилади ва бундай фазилат лозимлигини шарт қилиб қўяди. Ҳатто унинг исми эшитилганда ёқимли ва моҳиятан гўзал мазмунга эга бўлиши лозимлигини уқтиради. Демак, кўплар “бобом” деб улуғлаётган Шайбонийхоннинг ҳам шахси шу даражада пурвиқор бўлиши лозим. Ҳолбуки, у 1510 йил 4 декабрда эронлик Исмоил Сафавий билан бўлган жангда енгилди. Ғолиб томон ўз рақибига нисбатан нафрати ифодаси сифатида унинг бош қаноғидан қадаҳ ясашни буюради. Шах-шубҳасиз, Шайбонийхон ва авлодларининг тарихда қўламли ўрни бор, аммо идеал сифатида танланганда ва тавсия этилганда қарор топган ўлчамларни инкор этмаслик лозим.

Умуман, таърибга тарихий воқеаларга ҳам, тарихий шахсларга ҳам баҳо беришда шошмашошарлик қилмаслик, етти эмас, етмиш марта ўлчаб баҳо беришни тақозо этади. Негаки, юқорида таъкидланганидек, тарихлар ғолиблару сиёсатдонларнинг таъби-талабига қўра қайта-қайта ёзиллаверганидан мутлақ ҳақиқатни топиш осон бўлмайди (ҳатто



топиш мумкин ҳам эмасдек туюлади). Шундай экан, ҳукм чиқаришдан олдин барча муқобил фикрлар (ҳатто рақиб томонидан билдирилган бўлса-да) билан ҳисоблашни асло зарар қилмайди. Шундай бўладики, баъзан ният ҳолис, ҳақиқат шундоққина қўриниб тургандек туюлади. Фикр жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилганда эса қутилмаган муносабатлар юзага қалқиб чиқади. Кейинги йилларда генерал Собир Раҳимов хо-

тирасига муносабат ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда рўй берди. Бир пайтлар “Биринчи ўзбек генерали” деб улуғланган шахс бирданга “бегона” бўлиб қолди. Хайриятки, ҳақиқат қарор топди.

Яқинда эса обрўли газеталардан бирида билдирилган фикр ҳали бу талаблар амалиётга етиб бормасини кўрсатди ёки шундай таассурот қолдирди. Дабдурустан Ўзбекистон Миллий университетидан Мирзо Улуғбек номини олиб (ўз вақтида уни она юрти — Самарқандга жўнатиб), олий ўқув юртига Мунавварқори Абдирашидхонов номини бериш тақлифи билдирилди. Ўйлаб кўрадиган далил. Ўйлаганда ҳам қуқур ва атрофлича ўйлайдиган далил.

Марказий Осиёдаги энг нуфузли ва биринчи ташкил этилган олий ўқув юртига 1994 йилда Мирзо Улуғбек номи берилган. Ўша йили ЮНЕСКО шафелигида улуг олимнинг 600 йиллик юбилейи бутун дунёда кенг нишонланган. Бу ўринда Мирзо Улуғбекнинг буюклиги ҳақидаги маълум ҳақиқатларни таъкидлаб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Фақат унинг ўрнига тавсия этилаётган янги “номзод”нинг шахси ҳақида мулоҳаза юриштиш лозим бўлади, чунки тақлиф билдирилаётганда бу ҳолатлар ҳисобга олиниши шарт эди.

Тўғриси, гапни чувалаштириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, бундай муҳокама марҳум болаларимиз руҳи поқларини безовта қилишга ўхшаб қолмасин. Аввало, муассасаларнинг номини ҳадеб ўзгартираверишдан нима маъни? Тўғри, Мунавварқори Абдирашидхоновнинг миллитимиз олдидаги хизматлари беназир, лекин ҳамма нарасада меъёр, мезон бор-да. Дунёдаги энг буюк ўн аллоمانинг бири сифатида эътироф этилган жаҳоншумул олимнинг олдида унча-бунча одам тула олмаслиги сир эмас. Жаҳид бобомизнинг Президентимиз фармонида қўра “Буюк хизматлари учун” ордени билан муқофотланиши ҳақиқат тантанаси бўлди. Ҳамма далиллар ҳисобга олиниб, миллий университетда Мунавварқори Абдирашидхонов номида энг нуфузли муқофот (оптин медалъ ёки стипендия) ташкил этилиши тақлиф қилинганда, бу мантиққа анча тўғри келарди, чамаси.

Умуман, юксак марраларнинг аъми шижоати бўладими, қадриятларни тиклашу буюқларимизни улуғлаш бўладими, ҳар қандай маърифий ҳаракатнинг талаби ўтмиш сабоқларини эсдан чиқармаслик заруриятини қайта-қайта уқтираверади. Негаки, бу қўхна дунё кўплаб сир синосатларни қўрган, унда унча-мунча янгилик тан олинмайди, яъни биз учун биринчи мартадек бўлиб туюлаётган ҳар қандай “янгилик унутилган эскилик” бўлиб чиқаваради. Тарихдаги ҳар бир сатр қон билан ёзилган, ҳар бир ютқда миллионлаб одамларнинг ҳаёти тикилган, битта хулосага бутун тамаддулар бой берилиб эришилган, хуллас, сабоқлардан, таърибалардан, хулосалардан тарихнинг сочи оқарган. Тарих бебаҳо хазина, бебаҳо бойлик. Шунинг учун тарихни ўрганиш, ундан амалий фаолиятда фойдаланиш ҳам фарз, ҳам қарз. Улкан ғалабаларнинг ҳамиртурушида ўтмишнинг, тарихнинг зуваласи қоришиқ, буиз мумкин эмас. Агар келажак биноси ўтмиш пойдевори устига қўрилмаса, таг-заминдан юқорига юксалмай, ер бағирлаб тураверади. Тарихни, она тарихимизни ўрганайлик!